

# الحكم تقود إلى السعادة

(الجزء العشرون)

تأليف:

أنور أحد

## «Ҳикматлар – саодатга етаклар»

(Йигирманчи китоб)

Тузувчи ва таржимон:

**Анвар Ахмад**

Тошкент:  
2018 йил

- \* عندما تمشط طفلك فأخبره أنك تفعل ذلك لأن النبي ﷺ قال (من كان له شعر قلبيكراه )
- \* عندما تعطر ابنك أخيره بأنك تفعل ذلك إقتداء للنبي ﷺ (حجب إلى من دنياكم الطيب و النساء و جعلت قرة عيني في الصلاة)
- \* عندما يذهب ابنك إلى المدرسة ذكره بقول النبي ﷺ (من سلك طريقاً يلتمس فيه علمًا سهل الله له طريقاً إلى الجنة)
- \* عندما يتسم لابنك أخيره بـان النبي ﷺ قال (تسممك في وجه أخيك لك صدقة)
- \* عندما تصرح ابنك أخيره بـقول النبي ﷺ (و الكلمة الطيبة صدقة )
- \* عندما تفرغ من طعامك لابنك أخيره بـانك فعلت ذلك عملاً بـقوله ﷺ (أفراغك من دلوك في دلو أخيك لك صدقة )
- \* عندما تكون في مجلس فيه كبار بالسن اطلب من ابنك توقيرهم لأننا بذلك نطبع النبي ﷺ بـقوله (ليس منا من لم يرحم صغيرنا و يوغر كبارنا) وهكذا اربطوا تصرفات أبنائكم بالسنة و سيرة النبي و علموهم الأحاديث الشريفة

4223. Фарзандингизнинг сочини тарасангиз, «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам «Кимнинг сочи бўлса, уни парвариш қилин»», деганлар, ўша ҳадисга мувофиқ тараб қўйяпман» деб айтинг.

Ўғилчангизга атири суртсангиз, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам «Менга бу дунёдан хушбўйлик аёллар маҳбуб қилинди. Намоз эса кўз қувончим қилинди», деганлар, ўша ҳадисга мувофиқ атири суртяпман» деб айтинг.

Фарзандингиз мактабга кетаётганда «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ким илм талабида йўлга тушса, Аллоҳ унга жаннат йўлини осон қилиб қўяди», деган ҳадисларини эслатинг.

Фарзандингизга қулиб қараганингизда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Биродарингнинг юзига табассум билан боқишинг ҳам садақадир», деган ҳадисларини эслатинг.

Фарзандингизга овқат берганда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Челагингдан биродарингнинг челагига сув қуишишинг ҳам садақа», деган ҳадисларидан олганингизни айтинг.

Бирор йифинда кексалар ҳам ўтирган бўлса, фарзандингизга уларни хурмат қилишни ўргатиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кичикларимизга раҳм-шафқат қилмаган, кексаларимизни эъзозламаганлар биздан эмас», деганларини айтинг.

Шу тариқа фарзанд тарбиясини суннат ва сийратга боғлаб, ҳадислар асосида таълим-тарбия беринг.



4224. Авзоъий рохимахуллоҳ шундай деган эканлар: «Қиёмат куни бандага дунёдаги ҳар бир вақт ва фурсат қунма-кун, соатма-соат кўрсатилади. Ўшанда банда Аллоҳ таолони зикр қилмаган ҳар бир фурсати учун ҳасрат-надомат чекади.



4225. Тавбанинг даражалари:

- авом ҳалқ қуфр, бидъат, кабира ва сафийра гуноҳлар ҳамда кичик ишлардан тавба қиласди;
- хослар арзимас нарсалардан, макруҳ ишлардан ва яхши ният билан қилинмаган ибодатлардан тавба қиласди;
- орифлар эса Аллоҳ таолодан ғафлатда ўтган ҳар бир нафас учун тавба қиласди.

## التغريدة



د. أحمد عيسى المعصراوي

لو سألكت شخصا عمره 20 مازا ستفعل  
في الـ 60 ؟ لقال الأمر بعيد! ولو سألت  
من عمره 60 هل تذكر الـ 20 ؟ لقال:  
كأنها أمس! العمر قصير ويخدع..

انتبه

4226. Йигирма яшар йигитга «Олтмиш ёшингда нима қилган бўлардинг?» десангиз, «Хали унга анча бор-ку», дейди. Олтмиш ёшли чолдан «Йигирма ёшиңгизни эслайсизми?» десангиз, «У пайтлар гўё кечагидек тез ўтиб кетди», дейди. Умр жуда қисқа бўлгани учун сизни алдаб қўяди.

Огох бўлинг!



4227. Тавбага туртки бўлувчи сабаблар:

1. Мўмин киши гуноҳ-маъсиятларнинг оқибатидаги мусибатларни ўйлайди.
2. Мўмин киши Аллоҳ таолонинг ғазабининг хатарини ўйлайди.
3. Мўмин киши Қиёмат куни азобга бардош қила олмаслигини ўйлайди.
4. Мўмин киши Аллоҳ хузурида турганда уялиб қолишини ўйлайди.



4228. Али розияллоху анху шундай деган эканлар: «Эй одамлар! Ким ўзининг айбига қараса, бошқаларнинг айби билан иши бўлмай қолади. Ким Аллоҳ берган ризққа рози бўлса, бошқаларнинг қўлидаги нарсага афсус чекмайди. Ким хиёнат қиличини ялангочласа, ўзи ўша қилич билан ўлдирилади. Ким биродарига чукур қазиса, унга ўзи қулайди. Ким бирорвнинг айбини очса, ўз хонадонидаги айблари очилиб қолади. Ким ўзининг тойилганини унутса, бошқаларнинг тойилишини улкан санайди. Ким ўз фикрига лол қолса, адашади. Ким ақлига ишонса, тойилади. Ким одамларга кеккайса, хор бўлади. Ким одамларни бақлликда айбласа, сўкилади. Ким уламоларга аралашиб юрса, викорли бўлади. Ким пасткашларга аралашиб юрса, уни менсишмайди. Ким тоқати етмайдиган нарсани бўйнига олса, ожиз қолади».



4229. Инсон ҳаёти беш босқичдан иборат:

1. Туғилишидан олдинги руҳоният олами.
2. Дунё ҳаёти.
3. Барзах ҳаёти.
4. Қиёмат ҳаёти.
5. Абадийлик ҳаёти.

**قال شقيق البالخي** كنت شاعرا ، فرزقني الله التوبة ، وخرجت من ثلاثة مائة ألف درهم ، ولبس الصوف عشرين سنة ، ولا أدرى أئي مرأء حتى لقيت عبد العزيز بن أبي رواد ، فقال : ليس الشأن في أكل الشعير ولبس الصوف ، الشأن أن تعرف الله بقلبك ، ولا تشرك به شيئا ، وأن ترضي عن الله ، وأن تكون بما في يد الله أوثق منك بما في أيدي الناس (من كتاب سير أعلام النبلاء)

4230. Шақыр Балхий шундай деган эканлар: «Мен шоир эдим. Аллоҳ менга тавбани насиб қилди. Ўз ҳисобимдан уч юз минг дирҳам пулни эҳсон қилдим. Йигирма йил битта жун чопонда юрдим. Риё қилган бўлсам керак, деб ўйлаб юриб, бир куни Абдулазиз ибн Руввод билан учрашиб қолдим. Шунда у киши: «Гап арпа нон ейиш ва жун чопон кийишда эмас, гап Аллоҳ таолони қалбдан таниш, Унга ҳеч нарсани шерик қилмаслик, Аллоҳдан (тақсимотидан) рози бўлиш ва Аллоҳ хузуридаги нарса одамларнинг қўлидаги нарсадан ишончли эканига ишонишда».

### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

ليكن قلبك حاضراً وذهنك صافياً ، وأنت تتلو  
كتاب الله ، ولترى كل ما يعرضك للغفلة والتهاون  
به، وستلاحظ تأثير الآيات على نفسك عند تدبرك  
معانيها

4231. Аллоҳнинг Китобини тиловат қилаётганингда қалбинг сокин, хаёлинг мусаффо бўлсин. Бепарво ва хафсаласиз бўлма. Мана шу кайфиятда маъноларини тафаккур қилсанг, оятлар сенга қандай таъсир қилишини кўрасан.

**الخليفة هارون الرشيد رحمة الله**

لما مرض هارون الرشيد و ينس الأطباء من شفائه و احس  
بندو اجله .. قال : احضاروا لي اكفارنا فاحضروا له .. فقال :  
احقروا لي قبراً .. فحقروا له ، فنظر الى القبر و قال : ما  
انفني عنى مالية ... هلك عنى سلطانية .

**هشام بن عبد الملك رحمة الله**

لما احضر هشام بن عبد الملك ، نظر إلى أهلة ي يكون حوله  
فقال : جاء هشام إليكم بالدنيا و جلتم له بالسماء ، ترك لكم  
ما جمع و تركتم له ما حمل ، ما اعظم مصيبة هشام إن لم  
يرحمه الله .

**الخليفة المأمون رحمة الله**

حيثما حضر المأمون الموت قال : انزلوني من على السرير ،  
فأنزلوه على الأرض .. فوضع خده على التراب و قال : يا  
من لا يزول ملكه .. ارحم من قد زال ملكه .

**بلال بن رياج رضي الله عنه**

حيثما اتي بלאً الموت .. قالت زوجته : واحزنناه .. فكشف  
الخطاء عن وجهه و هو في سكرات الموت .. و قال : لا تقولي  
واحزنناه ، و قولي و فرحة ثم قال : غداً ملقي الأحبة ..  
محمدأ و صحبه .

4232. Халифа Хорун ар-Рашид бемор бўлиб қолди. Табиблар унинг шифо топишидан ноумид бўлгач, ажали яқинлашганини ҳис килди. «Менга кафандар ҳозирланглар», деди. Кафандар ҳозирлашди. «Қабр кавланглар» деди. Қабр ҳам кавлашди. Шунда у ўзи учун кавланган қабрга қараб, «Мол-мулким ҳам мени сақлаб қола олмади. Салтанатим ҳам ҳалок бўлди» деди (Ал-Ҳаққоҳ сураси, 29-оят)


Халифа Ҳишом ибн Абдулмалик ҳам ўлими яқинлашгач, тепасида йиғлаётган оила аъзоларига қараб, шундай деди: «Ҳишом сизларга дунё билан келди, сизлар эса унга йиғлаяпсиз. Ҳишом тўплаган нарсаларини сизларга ташлаб кетяпти, сизлар эса унинг амалларини ўзига кўтартириб юборяпсиз. Эй Ҳишом, агар Аллоҳ раҳм қилмаса, мусибатинг нақадар буюк!».

Халифа Маъмуннинг ўлими яқинлашган пайтда «Мени каравотдан туширинглар», деди. Уни ерга туширишди. У чаккасини тупроққа қўйди-да, «Эй мулки завол топмайдиган Зот, мулки завол топадиган бандангга раҳм қил», деди.

Билол розияллоҳу анхунинг ўлим яқинлашганда аёллари: «Оҳ, қайғуга ботдик!» деди. Буни эшитган Билол юзидан чойшабни олиб, ўлим талвасасида турган холида: «Қайғу дема, хурсандчилик дегин. Чунки эртага дўстларим – Мұхаммад алайхиссалом ва у зотнинг саҳобалари билан учрашаман», деди.



4233. Илоҳим, мени азоблама! Мен ўзимдан ўтган хато-камчиликларга иқрорман. Одамлар мени яхши инсон деб ўйлашади. Сен мени афв қилмасанг, одамларнинг энг ёмониман!



4234. Мўмин киши ато қилингандар санинг ўзига эмас, моҳиятига қарайди, чунки баъзи нарсанинг ато қилинмаслиги ҳам неъмат бўлади. Баъзида ато қилинмагани ато қилингандан неъматдан қимматбахо бўлади. Сен ато қилинмади деб ўйлайсан, лекин аслида сен мухтож бўлган нарса сенга берилмаса, ундан афзали ато қилингандан бўлиши мумкин.

### محمد راتب النابلسي

خرجَ رجُلٌ في طَرِيقٍ مَلاَقاًهُ عَدوٌ .. وَلَكِنَّهُ أَثْقَلَهُ دَرْعَهُ فَخَلَعَهُ ..  
 وَأَثْقَلَهُ سَيْفَهُ .. فَرَمَاهُ .. وَأَثْقَلَهُ طَعَامَهُ وَشَرَابَهُ فَتَرَكَهُمَا .. ثُمَّ لَاقَى عَذَابَهُ  
 حَاسِرًا .. أَعْزَلَ .. جَائِعًا .. فَهَلْ يَنْتَصِرُ؟!  
بالطبع " لا "

كذاك من ثقل عليه الذكر فتركه .. ومن ثقلت عليه السنن الرواتب فتركها  
 وتتساهل فيها .. ومن ثقلت عليه المستحبات ففرط في عملها ..  
 ثم أخر الفرائض عن أوقاتها .. ثم يشتكى تسلط الشيطان على قلبه...!!!!  
 يا مسكين .. صرعت نفسك قبل أن يصرعك شيطانك ونفسك الامارة بالسوء



4235. Бир киши душман билан тўқнашиш мақсадида йўлга чиқса-ю, лекин совути оғирлик қилиб, ечиб юборса; кейин қиличи ҳам оғирлик қилиб, уни ҳам улоқтириб юборса; сўнг озиқ-овқати оғирлик қилиб, уларни ҳам ташлаб юбориб, кейин душманига оч-яланғоч, қурол-аслаҳасиз рўпара бўлса, душманини енга оладими? Албатта енга олмайди.

Худди шунингдек, зикр оғирлик қилиб, уни тарқ қилса; фарз намозидан олдин ва кейин ўқиладиган суннат намозлар оғирлик қилиб, бепарво бўлиб, уларни ўқимай қўйса; мустаҳаб амаллар ҳам оғирлик қилиб, уларда ҳам камчиликка йўл қўйса; кейин фарз амаллар ҳам

оғирлик қилиб, уларни вақтидан кечикитираларса, шайтонни енга оладими? Шундан кейин қалбимга шайтон ҳукмини ўтказяпти деб шикоят қилса қандай бўлади?

Эй бечора! Шайтони, нафсингни енгишнинг ўрнига ўзингни енгиб қўйяпсан-ку?!

### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال الله تعالى :

(وَلَوْ بَسَطَ اللَّهُ الرِّزْقَ لِعِبَادِهِ لَبَغَوا فِي الْأَرْضِ).

خير الرزق ما لا يطفيك .. ولا يلهيك .

4236. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қиласи: «Агар Аллоҳ барча бандаларининг ризқини кенг-мўл қиласа, улар ер юзида зулм-тажовузкорлик қилган бўлишар эди. Лекин У Зот (бандаларининг ризқини) Ўзи хоҳлаганича ўлчов билан туширади. Албатта, У Зот бандаларидан Огоҳ ва Кўриб турувчиидир» (*Шўро сураси, 27-оят*).

Энг яхши ризқ – туғёнга олиб бормайдиган, ибодатдан чалғитмайдиган ризқдир!

أعنف عبارة أدبية قالها ولسون:

الساعة 2 فجراً أنهيت مقالاً أنكرت فيه وجود الله

وحين ذهبت لأنام لم أستطع إطفاء النور

خوفاً مما سيفعله الله بي

4237. Англиялик ёзувчи Колин Генри Уилсон айтган қўпол ва дағал жумлани қаранг: Кечаси соат иккida Аллоҳнинг борлигини инкор қилувчи мақоламни ёзib тугатдим. Лекин ухлашга ётаётганимда Аллоҳ менга бирор нарса қилишидан кўркиб, чироқни ўчиришга ботина олмадим.



4238. Бомдод намозини икки лаззати бор: бири ўқиган пайтимиздаги лаззат, бири Аллоҳнинг химоя остида бўлганимиздаги лаззат.

Ҳадисларда «Ким бомдод намозини ўқиса, Аллоҳнинг химоясида бўлади», дейилган.

Аммо ризқ учун тонгда уйғониб, Ризқ берувчи учун бомдодга уйғонмаслик ҳақиқий маҳрумлиkdir.



4239. Ҳасан Басрий шундай деган эканлар: «Бу дунё ҳаёти, яъни унинг аввалидан охиригача бўлган фурсат худди бир киши ухлаб, тушида ўзи ёқтирган нарсаларни кўриб, кейин уйғониб кетганга ўхшайди».

## د / عائض القرني



إذا لم يهروك طفلك عند دخولك بيتك  
ليستقبلك شوقاً ويحتضنك فرحاً  
فراجع أخلاقك وتعاملك فإن في  
تربيتك ورعايتها خلاً وأضطراباً



4240. Уйга кирганингизда фарзандларингиз пешвоз чикиб, кутиб олмаса ва шодлигидан сизни қучоқламаса, ахлоқингизни ва уларга муомалангизни бир сарҳисоб қилиб кўринг. Чунки тарбия ва ғамхўрлик қилишда қандайдир хато-камчиликка йўл қўйгансиз!

### التغريدة



د.أحمد عيسى المصراوى

"ألم يجعل الأرض مهادا والجبال أوتادا"

تتجلى النعمة حين تتصور ضدها  
ماذا لو كانت الأرض تهتزّ تتحرك؟  
أيستقيم العيش؟

تأمل و قل الحمد لله

4241. «Биз Ерни (барча жонзотлар маскан тутиб яшашлари учун) бир тўшак, тоғларни эса (ўша ерни тутиб турувчи) қозик қилиб қўймадикми?» (Набаъ сураси, 6-7-оятлар).

Оятдаги ҳолатнинг аксини тасаввур қилсак, бу неъмат кўзимизга яққол кўринади. Агар ер тинмай силкиниб, қимиirlайверса нима бўлишини бир ўйлаб кўринг. Бундай ахволда хаёт бир текис давом этармиди?

Бу ҳақда тафаккур қилиб, Аллоҳга ҳамд айтинг.



4242. Имом Шофеъий: «Таҳажжуддаги дуо – нишонга хатосиз етиб борувчи ўқдир», деганлар.

يُقالُ أَنَّ الْفَرْقَ بَيْنَ السَّعِيدِ وَالْتَّعِيسِ حِرْفٌ وَاحِدٌ  
السعيد (يشكر) أما التعيس (يشكوا) !!

4243. Бахтли билан баҳтсизнинг фарқи биргина ҳарфдадир.

Бахтли шукр қиласи, баҳтсиз эса шикоят қиласи.


(Араб тилида «шукр қиласи» شکر شاکلدا, «шикоят қиласи» اشک شاکلدا ёзилади. Фарқ сўз охиридаги «ро» ва «вов» ҳарфларида).



4244. Каҳф сурасидаги «раҳмат» сўзи ҳақида тафаккур қилинг:

1. «Бу Роббимнинг раҳматидандир» (98-оят)
2. «Роббингиз сизга Ўз раҳматини таратур» (16-оят)
3. «Роббинг сермағифиратдир, раҳм-шафқат соҳибидир» (58-оят)
4. «Робблари уларга меҳрибонроғини беришни ирода қилди» (81-оят)
5. «Биз унга Ўз даргоҳимиздан раҳмат ўлароқ Ўзимиздан илм ўргатган эдик» (65-оят)
6. «Бу Аллоҳнинг раҳмати илиа бўлди» (82-оят)
7. Роббимиз, бизга Ўз ҳузурингдан раҳмат бергин» (10-оят).

Ҳар жума куни Каҳф сурасини ўқиганларга етти кунга еттита раҳмат кифоя қиласади.



4245. Ихлос ва эргашишсиз қилинган амал худди мусофири мешини қумга тўлдириб, уни керакси нарса билан оғир қилиб олганига ўхшайди.



د أحمد عيسى المعصراوي

من يتغدر بأنه لا يجد الوقت لقراءة القرآن .

اجعل هذه العبارة نصب عينيك :

"ما زاحم القرآن شيئاً إلا باركه"

4246. Куръон ўқишига вақт топа олмаётганига узр айтаётганлар ушбу жумлани күз олдиларига қўйиб олишсин:

«Куръонни деб бирон нарсадан қолиб кетсанг, у ўша нарсага барака беради».

Бир иш қилишига шошяпсиз, лекин олдин Куръон ўқиб, кейин ўша ишни қилсангиз, унга албатта барака ато қилинади.

مكة المكرمة . هذا البلد الأمين  
لا بحر للمصيف ، لا طبيعة ولا  
منتجعات سياحية ، ولا مطر !!!  
لكنها تقتلنا شوفا كلما ذكرناها !!!!  
اللهم ارزق كل من اشتاقت نفسه  
وقلت حيلته أو ضعف جهده أو  
مرض بدنـه ، وصدقـت نـيـته .

4247. Маккаи Мукаррама шаҳри омонлик шаҳридир, аммо у ерда курорт ҳам, гўзал табиат манзараси ҳам, саёҳатчилар учун дам олиш жойи ҳам, ёмғир ҳам йўқ. Лекин ҳар гал бу макон зикр қилинганда унга бўлган завқ-шавқ бизларни жон таслим қилдириб юборай дейди, чунки бу маконни Аллоҳ азиз қилиб қўйган.

Аллоҳим! Имконияти йўқ, заифхол, касалманд, лекин пок ниятли зотларга ҳам ана шу жойларга боришни насиб қил!



4248. Англиядаги газеталардан бири «Мол-дунё нима?» деган саволни омма ўртасига ташлади. Қуйидаги жавоб сохиби ғолиб деб топилди:

«Мол-дунё – халқаро паспорт бўлиб, унинг эгаси осмондан бошқа барча жойга бора олади. Бу паспорт баҳт-саодатдан бошқа барча нарсани қўлга киритиш имконини беради».



4249. Ким одамларнинг обрўсини топтаса, Аллоҳ ҳам унинг обрўсини топтаб, балога гирифтор қилиб қўяди!



4250. Мансаб ҳеч кимга вафо қилмайди. Агар буни инкор қилмоқчи бўлсанг, қани айтичи, аввалги мансабдорлар қаерда қолди? Шундай экан, амал курсисида ўтирганингда солих амаллар қилиб қол, чунки мансабинг кетади, амалларинг қолади.

### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال ابن عباس رضي الله عنهما  
ضمن الله ممن اتبع القرآن ألا يضل في الدنيا ولا  
يشقى في الآخرة ثم تلا قول الله تعالى  
بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ  
فمن اتبع هداي فلا يضل ولا يشقى

4251. Ибн Аббос розияллоху: «Аллоҳ Қуръонга эргашган кишини бу дунёда адаштирмасликка, охиратда эса бадбаҳт қилмасликка кафолат берган» деб, қуйидаги оятни тиловат қилдилар: «Сизларга мен тарафимдан тӯғри йўл келгандა ким менинг тӯғри йўлимга эргашса, йўлдан озмайди ва баҳтсиз бўлмайди» (*Тоҳа сураси, 123-оят*).



4252. «Дарҳақиқат, мўъминлар нажот топдилар» (*Мўминун сураси, 1-оят*).

Ўша нажот топган мўминларнинг биринчи сифати:

«Улар намозларида (кўркув ва умид билан) бўйин эгувчилардир» (2-оят).

Уларнинг васфи қуйидагича ниҳоя топади:

«Улар (барча) намозларини (вактида адо этиб, қазо бўлишдан) сақлагувчилардир» (*Мўминун сураси, 9-оят*).

Уларнинг мукофотлари:

«Ана ўшалар Фирдавс (жаннатига) меросхўр бўлгувчи ворислардир. Улар ўша жойда мангуболурлар» (*Мўминун сураси, 11-оят*).

Дўзах ахлидан «Сизларни дўзахга нима киритди?» деб сўралса, улар шундай шундай жавоб беришади: «Намоз ўқийдиганлардан бўлмаган эдик» (*Муддассир сураси, 42-43-оятлар*).

Мана шу оятларда намоз қанчалик мухим экани, унда нажот бор экани баён қилинган. Шундай экан, бирорта ҳам фарз намозни қолдирмай, адо этайлик!



4253. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу: «Қалбларимиз покиза бўлса, Аллоҳнинг каломига тўймаган бўлар эди», деганлар.



إذا فشلت في دعوة أحد إلى الله أبوك أمك أخوك  
اختك صاحبك فتذكر قوله سبحانه :  
(فَإِنَّمَا عَلَيْكَ الْبَلَاغُ وَاللهُ بَصِيرٌ بِالْعَبادِ)  
(إِنَّكَ لَا تَهْدِي مِنْ أَحَبِّتْ وَلَكِنَّ اللَّهَ يَهْدِي مِنْ يَشَاءُ)

ماجد زكي

4254. Отанг, онанг, ака-у坎г ёки опа-синглингни Аллоҳ йўлига даъват қилишда муваффакиятсизликка учрасанг, Аллоҳнинг қуидаги оятларини эслаб қўй:

«Агар юз ўгирсалар, сенинг зиммангда етказиш, холос. Аллоҳ бандаларни кўриб турувчиdir» (Оли Имрон сураси, 20-оят).

«Сен ўзинг севган кишингни ҳидоят қила олмассан. Лекин Аллоҳ кимни хоҳласа, ўшани ҳидоят қилур. У ҳидоятга юрувчиларни яхши билгувчи Зотdir» (Қасос сураси, 56-оят).

### قال رسول الله ﷺ

((من ضم يتيمًا من المسلمين إلى طعامه  
وشرابه حتى يغنيه الله، أوجب الله له الجنة، إلا أن  
يعمل ذنبًا لا يغفر)): رواه الترمذى، وقال: حدث حسن صحيح.

### بلغوا عنى ولو آية

حوراء



4255. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: «Ким бир мусулмон етимни то Аллоҳ уни беҳожат қилгунича таомига (шерик қилиб) қўшса, У Зот унга жаннатни вожиб қилади. Кечириб бўлмас гуноҳ қилмаган бўлса бўлди».

Имом Термизий ривояти.

## التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوى

قال الله تعالى

( يَوْمَ تُنَكَّلُى السَّرَّائِرُ )

اقطع إلى الله طريقاً لا يراك فيه أحد؛ ولا يعلمه

أحد .. خبئء لنفسك صالحات تنفعك .

4256. «Шак-шубҳасиз, У Зот уни сирлар фош қилинадиган Кунда қайта тирилтиришга Қодирдир» (*Ториқ сураси, 9-оят*).

Аллоҳ томон йўлингни ҳеч ким қўрмасин ҳам, билмасин ҳам. Солих амалларингни яшириб қўй, шундай қилишинг сенга манфаат беради.



4257. Яҳё ибн Муоз шундай деган эканлар: «Уч хислати бор кишининг қалбига ҳикмат жойлашмайди:

- ризқининг ташвишини қиласиган киши.
- одамларга ҳасад қиласиган киши.
- обрў-мансабни яхши кўрадиган киши».

أول أبواب قبول التوبية:

"الاعتراف بالذنب لله"

قال عليهما السلام:

(إن العبد إذا اعترف بذنب  
ثم تاب تاب الله عليه)  
متافق عليه .

الصحبة الصالحة

fb/RighteousFriendss

&

الطريق إلى الجنة


fb/Quran.Karim11

4258. Тавбанинг биринчи эшиги Аллоҳга нисбатан қилинган гуноҳни эътироф қилишдир.

Расуллурроҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Агар банда гуноҳини эътироф этиб, тавба қилса, Аллоҳ унинг тавбасини қабул қиласди», деганлар (муттафақүн алайҳ).



4259. Неъмат шукрга, шукр эса ўсишга боғлиқ. Модомоки бандадан шукр тўхтамас экан, Аллоҳдан ҳам неъматнинг ўсиши тўхтаб қолмайди.



4260. Абдуллоҳ ибн Масъуднинг пойафзалини ўғирлаб кетишиди. Шунда у зот ўғрининг ҳаққига шундай дуо қилдилар: «Аллоҳим! Агар у муҳтож бўлса, олганига барака бер. Агар муҳтож бўлмаса, шу охирги гуноҳи бўлсин», деб айтдилар.

Саҳобалар ана шундай хулқ соҳиби бўлишган!

### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوى

### اجمع ما شئت سترحل كما جئت

4261. Хоҳлаганингча нарса йиғавер, лекин қандай келган бўлсанг, шундайича қуп-куруқ жўнаб кетасан.

### التبوية

مخرج النجاة للإنسان حينما تحيط به خطيراته  
وصمام الأمان للإنسان حينما تضيق عليه سبلاته  
ونصيحة المسار للإنسان حينما تختله أهواؤه  
وهي جبل الله المنيع حينما تدقه زلاته  
وهي الصراط المستقيم حينما تنحرف به شهواته

خواطر  
الشيخ  
النابلسي



4262. Тавба нима?

Тавба – ҳатолар чулғаб олган пайтдаги нажот кемасидир.

Тавба – ёмонликлар босим қилган пайтдаги омонлик ускунасидир.

Тавба – ҳавои нафс адаштира бошлиган пайтдаги йўналишни тўғрилайдиган нарсадир.

Тавба – тойилишлар чарчатган пайтда Аллоҳнинг мустаҳкам арқонидир.

Тавба – шаҳватлар йўлдан тойдирганда тўғри йўлга солувчиидир.



4263. Сизларга Умар розияллоху анхунинг зуҳдлари ҳақида гапириб берай:

Умар розияллоху анҳу лиbos кийишда ҳам зоҳид эдилар. Дағал ва ямоқли кийимлар киярдилар. Айтишларича, Қуддусни фатҳ қилганларида ҳам устларида ямоқ кийим эди. Халифалик пайтларида одамлар олдига чиқиб хутба қилганларида изорларида 12 та ямоқ бор эди.



4264. Солихлардан бири шундай деган экан:

Аллоҳ яхшиликка ёрдам қилишингда бир дўстни насиб қилса, билгинки, Аллоҳ сенга яхшиликни ирова қилибди. Агар дуо қилишга муваффақ қилса, билгинки, Аллоҳ сенга ато қилишни хоҳлабди. Аллоҳ сени Ўзининг зикрига муваффақ қилса, билгинки, Аллоҳ сени яхши кўрар экан. Агар яхши кўрса, сени азиз қиласи, ёрдам беради, қўллаб-қувватлайди ва дуоингни ижобат қиласи.

يا رب اجعل بيننا وبين الغيبة سداً منيعاً وحصناً  
حصيناً، ونقي ألسنتنا من كل غيبة نستلذُها وهي  
غضبك ولا ترضيك عنا يا الله.

4265. Роббимиз! Биз билан ғийбат орасида шундай мустаҳкам кўргон барпо қилгинки, лаззатланадиган ғийбатдан тилларимизни тозаласин. Зоро, ғийбат ғазабингни келтириб, биздан рози бўлмаслигинг сабабчисидир.

### التغريدة




د أحمد عيسى المعصراوي

إذا كان السكن في الدنيا يحتاج إلى فكر ،  
فالسكن في الجنة يحتاج إلى ذكر !

4266. Дунёдаги маскан учун ўй-фикр керак бўлса, охиратдаги маскан зикр-тасбех керак.



4267. Калимаи шаҳодат, намоз, закот, рўза ва ҳаж яхлит бир дараҳтдир. Мусулмонлардан бирортаси мен намоз ўқимайман деса, ҳаёлимга дараҳтнинг бир қисми ажралиб чиққани келади. Намозни ўз жойига қайтар, барака топкур!




4268. Сабр – алам тортган холда адо этиладиган ибодатдир. У намоз, закот ва садакага ўхшамайди. Аллоҳ таоло сабрлilar ҳақида шундай марҳамат қилади: «Мен бугун уларни сабр қилғанлари учун мукофотладим» (Мўминун сураси, 111-оят).

Эътибор беринг, уларни намоз ўқигани учун, рўза тутгани учун ёки садака улашгани учун жаннатга киритдим демади.

Аллоҳ истаган пайтда холатимизни ёки шахсиятимизни ўзгартиришга қодир. Лекин У Зот ёлвориб сўраганларни яхши кўради. Шундай экан, сабрга малолланишдан ҳазир бўлинг!



4269. Ўлим талвасаси келган пайтда инсон ўзи яхши кўрган нарсасини гапирад экан.  
Қалбингни яхшилаб сарҳисоб қилгин-да, «Аллоҳумма, имлаъ қолбий бил иймани бика»  
(Аллоҳим, қалбимни Ўзингга иймонга тўлдир) дегин!



4270. Ер остида бир мунча пайт қолиб кетасизлар. У ерда қанча туришингизни факат Аллоҳ билади. Ҳар қандай фойдали амални – ҳатто биргина тасбех айтиш бўлса ҳам – ўтказиб юборманг. Ҳаётлик пайтингизда ўлим учун жамғарма йиғиб қолинг. Ер юзида биз билан яшаётган шундай содда ва оддий зотлар борки, ушбу фоний дунёда уларнинг на мол-дунёси, на обрў-mansabi бор. Лекин уларнинг мол-мулклари улкан осмондадир. Улар учун қасрлар қурилиб, боғ-бўстонлар экилмокда. Шундай экан, боқий қолувчи солих амалларни кўпайтириб қолинглар!

**«Субханаллоҳ, валҳамдуиллаҳ, ва лаа илааха иллаллоҳ, валлоҳу әкбар. Ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ».**

**«Вастағириуллоҳал ъазийм ва атуубу илайҳ».**

## التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوى

وإذ قال لقمان (لابنه) وهو يعظه  
 كانت موعظةً لشخصٍ واحدٍ  
 جعلها الإخلاصُ والصدقُ تعظُّ الملياراتِ وتقرعُ  
 أسماعهم  
 حين تنصحُ انصحَّ كأنك تكلمُ العالم

4271. «Луқмоннинг ўз ўғлига ваъз-насиҳат қилиб айтганларини эслаб!» (*Луқмон сураси, 13-оят*).

Ўшанда ваъз-насиҳат бир кишига айтилган эди, аммо бу ваъздаги ихлос ва содиклик миллиардлаб одамнинг қулогигача етиб борди. Сен ҳам ваъз-насиҳат қилаётган пайтингда гўё бутун дунёга ваъз-насиҳат қилаётгандек бўлгин!

لما دخل محمد ابن عروة اليمن واليَا عليها  
 قال (يا أهل اليمن هذه راحتي فإن خرجت بأكثر  
 منها فأننا سارق)



4272. Мұхаммад ибн Урва Яманга волий бўлиб кириб борганида: «Эй Яман аҳли! Мана бу менинг уловим. Агар чиқиб кетаётганимда шундан кўп нарса олиб чиқсан, демак мен ўғриман», деган эканлар.



4273. Аллоҳ соғлик, зукколик, мол-дунё ва гўзалликни кўплаб махлукларига ато қилган. Лекин сакинатни соф мўмин бандаларигагина ато қилган, холос. Тўғри, ҳаёт оғир, лекин Аллоҳнинг тоати билан баҳтилидир. Тўғри, ҳаёт машаққатли, лекин Аллоҳнинг ибодати билан роҳатбаҳшдир. Тўғри, ҳаёт ташвишли, лекин Аллоҳга илтижо билан осудадир.

عندما كان المسلمون يحددون أوقات الكسوف  
 والخسوف كان الأوربيون يصرخون  
 ويختبئون ظنا منهم أن الغول قد ابتلع الشمس !



4274. Ўрта асрларда мусулмонлар қуёш ва ойнинг тутилишини аниқлаб, тадқиқот олиб боришган бир пайтда оврупаликлар қуёш тутилса «Қуёшни иблис ютиб юборди» деб ўйлаб, бакир-чакир қилиб, яшириниб олишар эди.

<b>التيجان السبعة :</b>
* <b>تاج الذكر:</b> لا إله إلا الله وحده لا شريك له له الملك وله الحمد و هو على كل شيء قدير
* <b>تاج التسبیح:</b> سبحان الله و بحمده عدد خلقه و رضا نفسه وزنة عرشه و مداد كلماته
* <b>تاج الدعاء:</b> ربنا آتنا في الدنيا حسنة و في الآخرة حسنة و قنا عذاب النار ..
* <b>تاج الاستغفار:</b> اللهم أنت ربى لا إله إلا أنت ، خلقتني وأنا عبدك ، و أنا على عهديك و وعدك ما استطعت ، أعود بك من شر ما صنعت ، أبوء لك بنعمتك عليّ ، و أبوء بذنبي فاغفر لي فإنه لا يغفر الذنوب إلا أنت ....
* <b>تاج التحصين:</b> بسم الله الذي لا يضر مع اسمه شئ في الأرض ولا في السماء وهو السميع العليم ..
* <b>تاج تفريح الكرب:</b> لا إله إلا أنت سبحانه أني كنت من الظالمين.
* <b>تاج راحة البال:</b> لا حول ولا قوّة إلا بالله العلي العظيم... اجعلوها تيجان تزين رؤوسكم و تربط ألسنتكم في غاية الروعة والجمال منه

4275. Етти тож:

1. Зикрнинг тожи: «Лаа илаха иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъалаа қулли шай'ин қодийр» (Ягона Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Унинг шериги ҳам йўқ, салтанат ва мақтov Униқидир. У барча нарсага қодир Зотдир).

2. Тасбехнинг тожи: «Субҳаанالлоҳи ва биҳамдих, ъадада холқих, ва ризо нафсиҳ, ва зината ъаршиҳ, ва мидада калимаатиҳ» (Яратғанларининг ададича, Ўзи рози бўлгунича, Аришининг вазнича, калималарининг узунлигича Аллоҳга ҳамд айтаман ва Уни поклаб ёд этаман).

3. Дуонинг тожи: «Роббанаа, аатинаа фид-дуня ҳасанатан ва фил аахироти ҳасанатан ва қинаа ъазаабан-наар» (Роббимиз, бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилик ато қил ва бизни дўзах азобидан сақла!)

4. Истиффорнинг тожи: «Аллоҳумма, анта Роббий, лаа илааха иллаа анта, холақтаний ва ана ъабдук, ва ана ъалаа ъаҳдиқа ва ваъдиқа маствоатоъту, аъуузу бика мин шарри мaa сонаът, абууъу лака би ниъматика ъалайя, ва абууъу бизамбий, фагfirлий, файннаҳу лаа йағfiруz-zunuba иллаа ант» (Аллоҳум, Сен Парвардигоримсан, Сендан бошқа илоҳ йўқ. Мени Сен яратдинг, мен Сенинг қулингман. Мен Сенга берган ваъдамда ва Сенга берган аҳдимда қодир бўлганимча турибман. Қилган ишларимнинг ёмонидан Ўзингдан паноҳ тилайман. Менга ато қилган неъматларингга икорман, гуноҳларимга ҳам икорман. Гуноҳларимни кечир, чунки Сендан бошқа ҳеч ким гуноҳларни кечира олмайди)

5. Заардан химояланиш дуоларининг тожи: «Бисмиллаахилلазий лаа йазурру маъасимиҳи шай'ун фил арзи ва лаа фис-самаа, ва ҳувас-самийъул-ъалийм» (Аллоҳнинг исми билан бошлайман, У Зотнинг исми туфайли еру осмонда бирор нарса зарар бера олмайди. У эшишувчи, билувчи Зотдир).

6. Муаммодан қутулиш дуоларининг тожи: «Лаа илааха иллаа анта, субҳаанака, инний кунту минاز-золимиин» (Ўзингдан бошқа илоҳ йўқ, эй пок Парвардигор! Мен ўз жонимга зулм қилиб қўйдим, Анбиё сураси, 87-оят).

7. Хотиржамлик дуоларининг тожи: «Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаахил ъалиййил ъазийм» (Олий ва Улуғ Аллоҳдан ўзгада куч ҳам, қувват ҳам йўқ).

## التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

"يا أبـت إني رأـيت أحد عـشر كوكـبا وـالشـمس  
وـالقـمر رـأـيـتهم لـي سـاجـديـن".

أعلم والديك بالـأـخـبار الجـمـيلـة عنـك ...  
بشرـهم بـأـحـوالـك السـارـة.


4276. «Ўшанда Юсуф отасига: «Отажоним! Тушимда ўн битта юлдуз, қүёш ва ойни кўрдим, уларнинг менга сажда қилаётганини кўрдим», деган эди» (*Юсуф сураси, 4-оят*).

Ўзинг ҳақингдаги хушхабарларни ота-онангга билдириб тур!



4277. Бола мебель ва шунга ўхшаш нарсаларни синдириб қўйса, иккисидан бирини танланг:

1. Уни уриб, ёлғон гапиришга ўргатинг.
2. Синган нарсани бирга тузатиб, болани масъулиятни ҳис қилишга ўргатинг, унинг шахсиятини ривожлантиринг.



4278. Бир насроний келиб, Аҳмад Дийдот роҳимаҳуллоҳдан сўради: «Нима учун сизларнинг шариатингиз бизнинг қизларга никоҳланишга рухсат беради-ю, лекин қизларингизга уйланишга рухсат бермайди?»

Аҳмад Дийдот шундай дедилар: «Биз сизнинг пайғамбарингизга иймон келтирганимиз учун қизларингизга уйланишга рухсат бўлди. Сизлар эса бизнинг Пайғамбарни инкор қиласиз, шунинг учун қизларимизга уйланишдан маҳрум бўлгансиз».



4279. Коинотда хижолат бўладиган бирдан-бир махлук – инсондир, чунки факат инсонгина хижолат бўлинадиган ишни қиласи.



4280. Сажда ояти ўқиганда тиловат саждаси қилишнинг фазилати:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам шундай деганлар: «Одам боласи сажда оягини ўқиб, сажда қилса, шайтон бир четга ўтиб, шундай деб йиғлайди: «Шўрим курсин! Одам боласига сажда қилиш буюрилган эди, у сажда қилиб, жаннатга мушарраф бўлди. Менга хам сажда қилиш буюрилди, мен эса бўйин товлаб, дўзахга лойик бўлдим».

*Имом Муслим ривояти.*

### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

عندما ت يريد أن تغير حياتك ولا تعلم من أين تبدأ  
ابدا بالصلة

4281. Ҳаётингни тубдан ўзгартирмоқчи бўлсанг-у, лекин нимадан бошлишни билмай турган бўлсанг, намоздан бошла!

اقوال الحسن البصري

إِذَا لَمْ يَعْدِ الْمُعْلِمُ  
بَيْنَ الصَّبَيْانِ  
كُتِبَ مِنَ الظُّلْمَةِ

الصحيحة الصالحة | الطريقة إلى الجنة

4282. Устоз шогирдлар ўртасида адолат қилмаса, золим деб ёзиб қўйилади.  
*Ҳасан Басрий.*

في أحد الأيام أعطى رجل غني سلة مليئة  
بالطعام الفاسد لرجل فقير  
أبتسم الفقير وغادر القصر مع السلة  
أفرغ الفقير السلة من محتوياتها ونثفها  
ووضع بها أزهار رائعة الجمال  
ثم عاد إلى القصر وأعطاهما للرجل الغني  
استغرب الغني وسأله :  
لماذا أعطيت سلة مليئة بالأشياء الفاسدة  
وتعيدها لي مليئة بالزهور الجميلة ؟  
أجاب الفقير: كل إنسان يعطي ما في قلبه



### الصحبة الصالحة & الطريق إلى الجنة

4283. Бир куни бир бадавлат киши камбағал одамга бир сават айниган овқат берди. Камбағал одам юзида табассум билан саватни олиб, қасрдан чиқиб кетди. Бориб, саватнинг ичидаги нарсаларини бўшатиб, тозалади-да, унга энг чиройли гуллардан солиб, яна қасрга қайтди. Гул солинган саватни ҳалиги бадавлат кишига берди. Бадавлат киши бундан ажабланиб, «Мен сенга саватда айниб қолган овқат берган эдим, сен бўлса саватни чиройли гуллар солиб қайтирибсан?» деди. Шунда камбағал: «Хар бир инсон қалбида борини улашади. Қалби гўзал бўлса гўзаликни, қалби қабих бўлса қабоҳатни улашади», деб жавоб берди.

#### 【لا زالت صغيرة】

هذه العبارة قتلت أحشئه من الصغر  
ففقدت الفتاة حيائها في الكبر.



عُودوا بنا لكم على الحشمة منذ  
الصغر  
لأنه يصعب تعليمهن على ذلك عند  
الكبر

4284. «Ҳали кичкина!» «Сал катта бўлиб олсин!» деган сўзлар ёш қизчанинг ҳаёсига, камтарлигига пугур етказади. Мана шу руҳда тарбия топган қиз катта бўлгач, унга таълим бериш мashaққатли кечади.

يقولون أن الإسلام انتشر بحد السيف ؟  
 أي جيش لل المسلمين غزا أندونيسيا ؟  
 أي جيش لل المسلمين غزا ماليزيا ؟  
 أي جيش لل المسلمين غزا غرب أفريقيا ؟



لقد حكم المسلمين الأندلس 800 عام وحينما طردنا من هناك  
 لم يبق فيها أي مسلم ليرفع الأذان لو كنا نرفع السيف  
 لما بقي نصراني واحد هناك على قيد الحياة  
 لقد حكمنا الهند لألف عام لكن بعدها حدث تقاسم للسلطة  
 فحصدنا الربع وحصد الهندوس علي ثلاثة أرباع ...  
 لو كنا نستخدم السيف لما طردنا من تلك الأماكن ..  
 اليوم يعتنق الكثير من الإنجليز والأمريكان والأوربيين الإسلام  
 ..وأنا أسألك بأي سيف ؟ إنه سيف العقل والحكمة ...



**دوره يقول الله تعالى**

ادع إلى سبيل ربك بالحكمة والموعظة الحسنة وجادلهم بما تهى أحسن إن ربك  
 هو أعلم بين ضل عن سبيله وهو أعلم بالمهتدين  
 (أحمد ديدات رحمه الله)

انشر لتقديم صورة دينك الصحيحة فهذا واجب كل مسلم

4285. «Ислом қилич билан тарқалган», дейишади.

Унда айтинг-чи, қайси мусулмон қўшинлари Индонезияни қилич билан босиб олган?

Қайси мусулмон қўшинлари Малайзияни қилич ёрдамида босиб олган?

Қайси мусулмон қўшинлари Фарбий Африкани қиличнинг кучи билан босиб олган?

Мусулмонлар Андалусияда (хозирги Испанияда) 800 йил хукмронлик қилдилар.

Мусулмонлар у ердан ҳайдаб чиқарилган пайтда бирорта ҳам аzon айтадиган одам қолмаган эди. Агар ўшандা мусулмонлар қилич кўтарса, бирорта насроний тирик қолмаган бўлар эди.

Мусулмонлар Ҳиндистонни минг йил давомида бошқариб келишди. Ундан кейин хукмронлик тақсимланди. Бу юртнинг тўртдан бир қисми мусулмонларга, тўртдан уч қисми ҳиндларга тегишли бўлди. Агар қилич ишлатилса, мусулмонлар бу юртдан ҳам қолганларни ҳайдаб чиқарган бўлар эди.

Хозирги кунда ҳам кўплаб америкаликлар, оврупаликлар Исломни дин сифатида танлаб, мусулмон бўлишяпти. Улар ҳам қиличдан қўркиб мусулмон бўлишяптими? Йўқ, улар ақл ва ҳикмат қиличи Исломга олиб келмоқда!

Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай марҳамат қиласиди:

**«Роббингнинг йўлига ҳикмат ва гўзал мавъиза ила даъват қил ва улар ила гўзал услугда мунозара қил. Роббинг Ўз йўлидан адашганларни ҳам, хидоят топувчиларни ҳам билгувчи Зотдир» (Наҳл сураси, 125-оят).**

Ахмад Дијодт роҳимахуллоҳ шундай деган эдилар:

«Аввало, даъват Аллохнинг йўлига бўлмоғи керак. Баъзи шахсларга ёки гурухларга эмас, холис Аллоҳ йўлига чақириш керак.

Иккинчидан, даъват ҳикмат билан амалга оширилиши керак. Бунда даъват қилинаётганларнинг ижтимоий, маданий савиясини эътиборга олиб, уларга оғир келмайдиган даъват қилиш лозим.

Учинчидан, даъват гўзал мавъиза орқали йўлга қўйилмоғи керак. Одамларни қизиқтириш учун чиройли сўзларни топиб гапириш зарур, уларни бездириб кераклозим.

Тўртинчидан, одамлар билан гўзал услугда мунозара қилиш керак. Аллоҳ йўлига даъват аввало фикрий харакатдир. Фикрий харакат бор жойда мунозара бўлиши турган гап. Ислом даъватчиси мунозарани ниҳоятда гўзал услугда олиб бориши керак. У рақиби билан

талашиб-тортишмасдан, бақир-чакир, уруш-жанжал қилмасдан, унинг табъига йўл топиб, унга қаноат ҳосил қилдириб, ўзи сезмаган ҳолда Исломга мойил бўлиб қоладиган усталик билан мунозара олиб бориши лозим.

Бешинчидан, даъватчи ўз вазифаси фақат холис даъват эканини, ҳидоят ҳам, залолат ҳам фақат Аллоҳдан эканини ҳеч қачон унутмаслиги керак».

## التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوى

إِذَا أَظْلَمْتَ أَمَامَكَ الْطُرُقَاتِ وَأَغْلَقْتَ الْأَبْوَابَ  
 .. فَلِيَسْ هُنَاكَ إِلَّا بَابٌ وَاحِدٌ مَفْتَاهُ :  
 { اَدْعُونَيْ أَسْتَجِبْ لَكُمْ } .

4286. Каршингдаги йўллар зулматга чўмса, йўлингдаги эшиклар ёпиқ бўлса, билгинки, ҳеч қачон ёпилмайдиган биргина эшик бор: «Менга дуо қилинглар, мустажоб қилурман» (*Fofigur surasasi, 60-ojam*).




4287. Ҳаёт бир марта берилади. Энди ўша биргина ҳаётни оғирлаштириб, қийинлаштириб олманг!



4288. Бир кеча Салоҳиддин Айюбий қўшинни қўздан кечириб юрган эди, бир чодирда Аллоҳнинг китоби Куръон ўқиб, тунда ибодатга қоим бўлаётган бир неча аскарларни кўриб, ўзининг машҳур сўзини айтди: «Ғалаба мана шу ердан келади».

Сўнгра ухлаб ётган бошқа аскарларнинг олдидан ўтиб, «Мағлубият эса мана шу ердан келади», деди.



4289. Бир ҳаким зот шундай деган эканлар: «Фазилат зотга ёки насабга эмас, ақл ва одобга боғлиқдир, чунки одоби ёмон кишининг насаби бехуда бўлади, ақли калта кишининг эса зоти йўқ бўлиб кетади».

**إِذَا قَسَى قَلْبُ الْعَبْدِ بِالْمُعْصِيَةِ  
حَرَمَ التَّضَرُّعُ بَيْنِ يَدَيِ اللَّهِ**

**﴿فَلَوْلَا إِذْ جَاءَهُمْ بَأْسُنَا تَضَرَّعُوا  
وَلَكِنْ قَسَتْ قُلُوبُهُمْ﴾**

4290. Банданинг қалби гуноҳ сабабли тошбағир бўлиб кетса, Аллоҳ ҳузурида тазарруъ қилишдан маҳрум бўлади.

«Бизнинг балоимиз етганда ҳам тазарруъ килмадиларми?! Йўқ, уларнинг қалби қотиб қолган, шайтон уларга қилиб юрган ишларини чиройли кўрсатиб қўйган» (*Анъом сураси, 43-оят*).

## التغريدة



د.أحمد عيسى المعصراوى

كان السلف إذا نشأ لأحدهم ولد  
شغلوه بحفظ القرآن وسماع الحديث  
فيثبت الإيمان في قلبه .

[صيد الخاطر (602)]

4291. Солиҳ салафлар фарзандлари улғая бошлаши билан уларни Қуръон ёдлаш ва ҳадис эшитишга машғул қилиб қўйишар эди. Шунда уларнинг қалбига мустаҳкам иймон жойлашар эди.



Буюк саҳоба Анас ибн Молик: «Бирор тун йўқки, ҳабибим Муҳаммад соллаллоҳу алайхи васалламни тушимда кўрмасам» деб, йиғлаб юбордилар.



4293. Кўзи кўрмайдиган отдан шижаатли нарса йўқ!

هذه الملابس موجودة في أفخم المحلات التجارية كموضوعة عصرية  
**وصدقه الحكمة**

بخل الغني على الفقير.. فلبسهم الله ملابس الفقر بسعر غني!!



4294. Замонавий «мода» ҳисобланган манави «кыйимлар» энг машхур савдо марказларида сотилмоқда.

Бойлар камбағалларга баҳиллик қилгани учун Аллоҳ уларга камбағаллар кийимини кидириб, нархини бойлар кийимидан ҳам қиммат қилиб қўйди.



بالقرآن أهتديت

أَهْلُ النَّارِ أَطْلَقُوا الْعَنَانَ لِشَهْوَاتِهِمْ  
فَكَانَ مَصِيرُهِمْ  
{وَحِيلٌ بَيْنَهُمْ وَبَيْنَ مَا يَشْتَهُونَ}  
وَأَهْلُ الْجَنَّةِ أَجْمَوْا شَهْوَاتِهِمْ  
فَكَانَتِ الْجَائِزَةُ  
{وَلَكُمْ فِيهَا مَا تَشْتَهِي أَنفُسُكُمْ}

4295. Дўзахийлар шаҳват тизгинини қўйиб юборгач, оқибатлари мана шундай ниҳоя топди:

**«Энди худди улардан аввалги ҳаммаслакларига қилингани каби, улар билан ўзлари истайдиган нарсанинг (яъни иймон келтириб, дўзах азобидан қутилиб қолишининг) ўртаси тўсиб қўйилди» (Сабаъ сураси, 54-оят).**

Жаннатийлар шаҳватларини жиловлагани учун қуидаги мукофотга сазовор бўлишиди:

**«Сизлар учун (жаннатда) кўнгилларингиз тусаган нарсалар бордир» (Фуссилат сураси, 31-оят).**

### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوى

لا تتصور أن الناس يتساون ولو كانوا  
في ظاهر العمل متفقين،  
فالرجل يصلى بجانب الرجل والفارق  
بينهما كما بين السماء والأرض  
والسبب (قلبه)

4296. Зоҳиран бир хил иш қилаётган одамларни кўриб, улар бир хил деб ўйлама. Ёнмаён намоз ўқиётган икки кишининг ер билан осмонча фарки бўлиши мумкин, чунки уларнинг қалби ҳар хил бўлиши мумкин.

**هكذا ينبغي أن يكون من علمه الله القرآن !**


"يحزن بعلم ، وي بكى بعلم ، ويصبر بعلم : يتظاهر بعلم  
ويصلى بعلم ، ويزكى بعلم ، ويتصدق بعلم ، ويصوم  
بعلم ، ويحج بعلم ، وي jihad بعلم ، ويكتسب بعلم ،  
وينفق وينبسط في الأمور بعلم ، وينقبض عنها بعلم .  
قد أدبه القرآن والسنة: يتضخّف القرآن والسنة ليؤدب  
به نفسه، لا يرضى من نفسه أن يؤدى  
ما فرض الله عليه بجهل. قد جعل  
العلم والمفهوم دليلاً إلى كل خير".

قاله الأجرى في (أخلاق حملة القرآن) (ص ٧٩)

4297. Аллоҳ Куръондан таълим берган зотлар мана шундай бўладилар:

Улар хафа бўлишса ҳам, йиғлашса ҳам, сабр қилишса ҳам, таҳорат олишса ҳам, намоз ўқишса ҳам, покланишса ҳам, садақа қилишса ҳам, рўза тутишса ҳам, ҳаж қилишса ҳам, жидду жаҳд қилишса ҳам, касб-хунар қилишса ҳам, инфок қилишса ҳам, бир ишда кенгайиб, торайишса ҳам, факат илм билан қилишади. Буни уларга Куръон ва ҳадис ўргаттган. Бу зотлар Куръон ва ҳадисни нафсига одоб бериш учун варактайдилар. Улар Аллоҳ фарз қилган ишларни жоҳиллик билан адо этмайдилар. Улар барча хайрли ишларга илм ва фиқҳни далил қиласидилар.

*Имом Ожурининг «Куръон ҳомилларининг одоби» китобидан*



4298. Муслихлар уммат учун раҳматдир, уларнинг хусуматчилари эса уммат учун лаънатдир. Аллоҳ таоло Бану Исроилни нима учун лаънатлаган?

«Улар бир-бирларини нолойиқ ишлардан қайтармас эдилар. Бу қилмишлари нақадар ёмон!» (*Moinda surasasi*, 79-оят).



4299. Аллоҳ бир миллатга ғазаб қилса, уларга азоб тушириб ўтиrmайди. Балки нархларни қимматлаштириб, умрларини қисқартириб, тижоратларини фойдасиз қилиб, мевалар ҳосилини камайтириб, ёмғир ёғдирмай, дарёлар сувини камайтириб, ёмонларини устларига хукмрон қилиб кўяди.

Шайх Ражаб Дијаб Нақшбандий

## ما هو الجلوس الثمين ﴿

الجلوس بعد السلام من الصلاة المكتوبة من أعظم الأوقات التي تنزل  
فيها رحمة الله عز وجل على العبد . لاتستعجل بالقيام .  
استغفر لله . سبّح الله . واحمد الله . وهلّ وكبر .

◎ قال ابن بطال رحمة الله :

من كان كثير الذنب وأراد أن يحطها الله عنه بغير تعب . فليغتنم  
ملازمة مصلاه بعد الصلاة ليستكثر من دعاء الملائكة واستغفارهم له .

## فيما لا يقدر بشمن

4300. Фарз намозидан кейин истиғфор, тасбех, ҳамд, таҳлил ва такбир айтиб ўтириш энг самарали фурсалардан биридир. Шунинг учун намоздан сўнг тез ўрнингдан туриб кетишга шошилма!

Ибн Баттол роҳимахуллоҳ: «Кимнинг гуноҳи кўп бўлсаю, уларнинг осонгина ўчирилиб кетишини хоҳласа, ҳаққига фаришталар кўп дуо ва истиғфор айтиши учун намоздан кейин тез туриб кетмасин.

Намоздан кейинги ўтиришнинг шаъни улуғдир.

### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوى

قال الله تعالى :

﴿وَيَوْمَ تَقُومُ السَّاعَةُ يَوْمٌ نَّدِينٌ يَتَفَرَّقُونَ﴾  
ليس الفراق الحقيقي الذي يحصل بالموت  
كلا..  
بل الفراق أن يكون واحد في الجنة  
والآخر في السعير

4301. «Қиёмат қоим бўладиган Кунда – ана ўша Кунда (мўминлар билан кофирлар) бир-биридан ажralурлар» (*Рум сураси, 14-оят*).

Ҳақиқий айрилиқ ўлим эмас. Ҳақиқий айрилиқ – бири жаннатга, бири жаҳаннамга равона бўлишдир.



4302. Мўминнинг балога гирифтор қилиниши уни (гуноҳлардан) даволашдир.



4303. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: «Бирингиз ўзида, молида ёки биродарида бирор қойил қоладиган нарсани қўрса, унга барака тилаб дуо қиласин, чунки кўз тегиши бордир».

Насайй ривояти.

Уламолар барака тилаш учун «Аллоҳумма, баарик фийҳи» (Аллоҳим, унга барака бергин) дейиш кераклигини айтишган.

لَا يَزِدُ الدُّوْمَنْ صَلَاحًا، إِلَّا ازْدَادَ خُوفًا  
حَتَّىٰ يَقُولُ: لَا أَنْجُو

أَمَا الْفَاسِقُ فَيَقُولُ: النَّاسُ مِثْلِي كَثِيرٌ  
وَسَيَغْفِرُ اللَّهُ لِي، وَلَا بَأْسَ عَلَيْ، فَرَحْمَةُ اللَّهِ وَاسِعَةٌ.

لِالْحَسْنِ الْبَصْرِيِّ

الصحبة الصالحة & الطريق إلى الجنة

4304. Мўмин киши қанчалик солиҳ бўлса, хавфи ҳам шунча зиёдалашиб, ҳатто «Мен энди нажот топмасам керак» деб ўйлаб қолади. Фосик эса «Менга ўхшаганлар тўлиб-тошиб ётибди, Аллоҳ кечириб юборади, менга зарар етмайди, Аллоҳнинг раҳмати кенг», деб ўзини ўзи алдайди.

Ҳасан Басрий



4305. «(Юсуф алайҳиссалом яшаган) уйдаги аёл (у зотнинг ҳуснига ошиқу бекарор бўлиб) уни йўлдан урмоқчи бўлди. У эшикларни маҳкам беркитиб, «Келақолгин» деган эди, у зот «Аллоҳ сақласин!» дедилар» (*Юсуф сураси, 23-оят*).

Телевизор ва телефонларда ҳам шундай ҳолат деярли ҳар куни такрорланиб туради. Ҳаммамиз ҳам ўша пайтда баралла «Аллоҳ сақласин!» дея оляпмизми?

## التغريدة



د.أحمد عيسى المعصراوي

**تزود قبل الرحيل**  
 كل ساعة تمر من يومك، تأخذ معها جزءاً من  
 مهلتك في هذه الدنيا، فلا تجعلها تمر دون عمل  
 صالح يرفعك عند الله

4306. Охират сафаридан олдин сафар тадоригини кўриб қўй! Кунингдан ўтган ҳар бир соат бу дунёдан сен учун ажратилган фурсатдан бир қисмини олади. Кунингни Аллоҳ ҳузурига кўтариладиган солиҳ амалларсиз ўтказиб юборма!



4307. Имом Молик шундай деган эканлар: «Одамларнинг гуноҳига хўжайнилардек қараманг. Сиз ўзингизнинг гуноҳингизга қулдек қаранг. Балога учраганларга раҳм қилинг, тинч ва оғиятда эканингиз учун Аллоҳга ҳамд айтинг. «Манави дўзахий», «мана бу жаннатий» дейишдан ҳазир бўлинг. Гуноҳ қилганлар устидан такаббурлик қилманг. Бунинг ўрнига Аллоҳдан уларга хидоят сўраб дуо килинг».




4308. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тижоратчиларга тавсиялари

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бозорда сотилаётган бир уюм доннинг олдидан ўтиб, қўлларини унинг ичига тиқиб кўрган эдилар, ичи нам экан. Шунда у зот: «**Эй таом эгаси, бу нимаси?**» дедилар. У: «**Ёмғир тегиб шунаقا нам бўлиб қолибди, Аллоҳнинг Расули**», деди. Шунда у зот: «**Ундаи бўлса нам текканини одамлар қўзи тушадиган қилиб, тепасига қўймадингми?**» дедилар. Сўнг «**Ким бизни алдаб, фирибгарлик қилса, биздан эмас**», дедилар.

Имом Муслим ривояти.

خرج (( عمر بن عبد الله )) يوماً وكان من المشهورين بالكرم والمسخاء وبينما هو في طريقة من بحديقة ( بستان ) درأى غلاماً مملوكاً يجلس بجوار حائطها يتناول طعامه فاقترب كلب من الغلام ، فأخذ الغلام يلقي إلى الكلب بلقمة ، ويباكل لقمة (( عمر )) ينظر إليه ويتعجب مما يفعل ، فسأله (( عمر )) أهذا الكلب كلبك ؟؟ قال الغلام : لا

قال (( عمر )) : فلما تطعمه مثل ما تأكل ؟؟ قرد الغلام : إني أستحيي أن يراني أحد وأنا أكل دون أن يشاركتي طعامي . أُعجب (( عمر )) بالغلام ، فسأله : هل أنت حر أم عبد ؟؟ فاجاب الغلام : بل أنا عبد عند أصحاب هذه الحديقة ، فانصرف (( عمر )) ثم عاد بعد قليل ، فقال للغلام : أبشر يافتي فقد اعتقل الله ! وهذه الحديقة أصبحت ملكاً لك قال الغلام بسعادة ورضا : أشهدك أنتي جعلت ثمارها لفقراء المدينة . تعجب (( عمر )) وقال للغلام : عجباً لك ! أتعلم هذا مع فقرك وحاجتك إليها ؟؟ رد الغلام بثقة وإيمان : إني لاستحيي من الله أن يوجد على بشيء قابل له ! . قيمة العطاء وقمة الرضا والقناعة أفضى الله على قلوبكم نور الرضوان وعلى أحاسيسكم حلاوة الإيمان وعلى أجسامكم عافية الأدنا . وعلى أسماعكم عنوبة القرآن وعلى آلسنتكم ذكر الرحمن )



4309. Бир куни саховати билан танилган Умар ибн Убайдуллоҳ йўлда кетаётиб, бир боғнинг ёнидан ўтди. Боғнинг девори ёнида бир қул бола овқат еб ўтирад эди. Шу пайт унинг ёнига бир ит келди. Бола ўзи бир луқма еса, итга ҳам бир луқма берар эди. Буни кўрган Умар ибн Убайдуллоҳ: «Бу сенинг итингми?» деди. Бола: «Йўқ», деди. Умар: «Унда нега овқатингга уни шерик қиляпсан?» деган эди, бола: «Ўзим еб, унга бермайтганим кўриб қолишларидан уяламан», деди. Боланинг жавобидан лол қолган Умар: «Сен хурмисан ёки қулми?» деди. Бола: «Мен шу боғ эгасининг қулиман», деди. Умар жўнаб кетиб, бирордан кейин қайтиб келди-да, «Суюнчи бер, Аллоҳ сени озод қилди. Бу боғ энди сенини бўлди», деди. Бола хурсанд бўлиб, «Гувоҳ бўлинг, бу боғнинг ҳосилини шу шаҳардаги камбағалларга атадим», деди. Боланинг ҳимматига қойил қолган Умар: «Мени хайрон қолдирдинг. Ўзинг муҳтож, камбағал бўла туриб, шундай қиласанми?» деди. Шунда бола иймон ва ишонч билан: «Аллоҳ менга сахийлик қилиб турганда мен баҳиллик қилишдан уяламан» деб жавоб берди.

Ана сизга саховатнинг, розилик ва қаноатнинг чўққиси!

Аллоҳ барчамизниң қалбимизга розилик нури ва иймон ҳаловатини, жисмимизга оғият, қулогимизга Қуръон эшитиш роҳатини, тилимимизга Аллоҳнинг зикрини жойласин!

- الرجل الغني : يكم اليدين ؟!
- البائع بـ 15 درهم للبيضة
- الرجل الغني يتربّع و يمشي ويقول له بـ 10 دراهم أو لا اشتري ؟
- المشهد رقم 2 نفس الرجل الغني في مطعم راقٍ جداً هو و اصدقاؤه يطلبون الحساب والفاتورة يجدوها 4700 درهم .. يخرج من محفظته 5000 درهم ويقول له لا ترد لي الباقي .... هذه القصة ليست بجديدة ... السؤال لماذا لا تستقى إلا على الفقراء ؟



4310. Бир бой сотувчига: «Тухум қанча?» деди. Сотувчи: «15 дирхам», деди. Бой унинг олдидан кетаётиб, «10 дирхамга берсанг, оламан. Бўлмаса мен кетдим», деди.

Худди ўша бой оғайнилари билан энг ҳашаматли ошхонага киришди. Чиқишида официант «Жами 4700 дирхам бўлди», деган эди, бой 5000 дирхам бериб, «Қайтими керакмас», деди.

Бундай олифталиктин деярли ҳар куни кўрамиз.

Биргина савол туғилади: «Нима учун ўша бой бир камбағалдан битта тухум олишда шунчалик зикналик қиласиди, бойларнинг олдида бундай олифталиктин қиласиди?»

## التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوى

( إِنْ أَجْرِيَ إِلَّا عَلَى اللَّهِ )  
ذكر بها نفسك عند كل عمل تقوم به  
وكل إحسان تقدمه للآخرين  
ولا تنتظر جزاء من أحد  
فما عند الله خير وأبقى

4311. «Менинг ажру савобим фақат Аллоҳга ҳавола» (*Юнус сураси, 72-оят*)  
Кимгadir бир яхшилик қилсанг, мана шу оятни эсла! Ҳеч кимдан мукофот кутма!  
Аллоҳ хузуридаги нарса яхшироқ ва бокийроқдир!

ُتُقْلَى عَنِ الْعَمَانِيِّينَ أَنَّهُمْ لَمَا أَنْشَوُا سَكَّةَ الْجِزَارِ فَاقْتَرَبُوا  
مِنَ الْمَدِينَةِ الْمُنَورَةِ وَضَعُوا تَحْتَ سَكَّةِ الْجِزَارِ  
مَا تَحْتَاجُ - قَطَّعُوا مِنَ الْبِلاسْتِيكِ، حَتَّى لَا يَصْدِرَ الْقَطَّارُ صَوْتاً  
وَضَجَّةً احْتِرَامًا لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَامْتَثَالًا  
لِقَوْلِهِ تَعَالَى: "إِنَّ الَّذِينَ يَعْصُمُونَ أَصْوَاتَهُمْ عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ  
أُولَئِكَ الَّذِينَ أَمْنَجُنَّ اللَّهَ قُلُوبَهُمْ لِتَقْنُوَ لَهُمْ مَفْرَةٌ وَاجْرٌ  
عَظِيمٌ".

فَمَا يَقُولُونَ لِرَبِّهِمُ الَّذِينَ يَفْجُرُونَ عِنْدَ مَسْجِدِ رَسُولِ اللَّهِ  
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَيَسْخَلُونَ دَمَاءَ الْمُسْلِمِينَ!!



4312. Усмонлилар салтанати Ҳижоз томон (ҳозирги Саудия томон) темир йўл қуриб, Мадинаи Мунавварага яқинлашиб қолган пайтда поездлар шовқин кўтариб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга озор бермасин деб, темир йўлнинг остига пластмасса бўлаклари қўйиб кетилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бундай эҳтиром Аллоҳ таолонинг ушбу оятига биноан эди:

**«Аллоҳнинг Пайғамбари хузурида овоздарини паст қилган зотлар — ана ўшалар Аллоҳ қалбини тақво учун имтиҳон қилган (яъни тақво имтиҳонидан ўтган) зотлардир. Уларга магфират ва улуғ ажр-мукофот бордир» (Хужсурот сураси, 3-оят).**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидлари ёнида бомба портлатган, мусулмонларнинг қонини ўзича ҳалол санаганлар Роббимизга нима деб жавоб беришаркин?!



**أَيُّهَا الْأَخْوَةُ**  
**صَلَةُ الرَّحْمِ عِبَادَةٌ عَظِيمَةٌ**  
**مِنْ أَخْصِ الْعِبَادَاتِ**

يقول عمر بن دينار:

ما من خطوةٍ بعد الفريضة أعظم أجرًا من  
 خطوةٍ إلى ذي رحمٍ. ثوابها معجلٌ في الدنيا.  
 ونعيمٌ مدخلٌ في الآخرة

**فقد قال صلى الله عليه وسلم:**  
**((إن أَعْجَلُ الطَّاعَةِ ثَوَابًا صَلَةُ الرَّحْمِ))**

[آخر جه الطبراني في المعجم عن أبي هريرة]


4313. Силаи раҳм, яъни қариндошлиқ ришталарини хос ва улуғ ибодатлардандир.

Умар ибн Динор шундай деган эканлар:

«Фарзни адо этиш учун босилган қадамдан кейинги энг улуғ қадам – қариндош-уруғлар томон босилган қадамдир. Унинг савоби ниҳоятда улуғ бўлиб, шу дунёning ўзидаёқ

берилади, охиратга ҳам захира қилиб қўйилади. Бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Савоби энг тез бериладиган амал – силаи раҳмдир**», деганлар.

*Имом Табаронийнинг Абу Хурайрадан қилган ривоятлари*



**المؤمن يخاف من الذنب**


**وقد قال الحسن البصري:**

**المؤمن يزرع ويخشى الفساد**



4314. Мўмин киши доимо гуноҳ қилиб қўйишдан қўрқиб яшайди.

Ҳасан Басрий: «Мўмин киши экади, аммо унинг нобуд бўлишидан қўрқади. Мунофик эса сугуриб олади-да, яна йифиб олишдан умид қиласди», деб айтдилар.



بني العرب المسلمين أول مستشفى للجذام سنة 707م

بدمشق وقد تم فيه معالجة جميع البشر بمختلف دياناتهم وأجناسهم ، في الوقت الذي كان تنظر فيه أوروبا إلى مرض "الجذام" على أنه غصب من الله وعقاب ، حتى أن في سنة 1313م أمر الملك "فيليب" بحرق جميع المرضى في النار جهلاً وتخلفاً !

\*الجذام هو مرض معدى يصيب الجلد والأعصاب

4315. Милодий 707 йилда Дамашқда мохов касали учун биринчи шифохона қурилган. Бу шифохонага келган касаллар дини ва миллатидан қатъи назар муолажа қилинар эди. У пайтларда оврупаликлар мохов касалини Худонинг ғазаби ва иқоби деб ўйлашар эди. Милодий 1313 йилда кирол Филипп жоҳил ва қолоқлиги туфайли барча мохов касалларни ёқиб юборишни буюрган.

## التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوى

سُئل بعض الحكماء :  
 ما أكثر الأشياء عونا على طاعة الله عز وجل ؟  
 قال : إخراج هموم الدنيا من القلب ..

4316. Бир ҳаким зотдан: «Аллоҳ таолога тоат-ибодат қилишга энг күп ёрдам берадиган нарса нима?» деб сүрашди. У зот: «Қалбдан дунё ғамларини чиқариб юбориш», дедилар.



4317. Баъзан инсон ўлимни ҳаётнинг ниҳояси деб ўйлаб қолади. Аммо аслида ўлим чинакам ҳаётнинг бошланишидир. Шунинг учун бу дунё мажбуриятлар диёри, охират эса ҳурмат-эхтиром диёридир. Дунё амал диёри, охират эса мукофот диёридир. Шунинг учун инсон дунё ҳаётида амал қиласи-ю, мукофот олмайди. Охират эса амал диёри эмас, мукофот диёридир. Охиратда амал қилиш йўқ, у ерда амал муҳрлаб қўйилган, фақат мукофот олиш қолган, холос. Ҳозир эса амал қилиб қолиш учун барча эшиклар очиб қўйилиб, мукофоти Қиёмат кунига қолдирилган.



4318. Одамлар қулоғини ёпмасидан оғзини ёпган, одамлар оғзини очмасидан қулоғини очган одам ютади.

**معلومة عجيبة :: بل غريبة !!!!!**

لماذا لا تنبت الأرض من الحبوب التي  
يجمعها النمل تحت الأرض ؟ !

اكتشف العلماء أن النمل بعد ما يقوم بجمع الحبوب  
والبذور التي يحتاجها ويقتات عليها ويخبنها تحت الأرض  
يقوم بكسرها إلى نصفين .

لأن الحبوب إذا شطرت إلى نصفين لا تنبت حتى وإن توفرت  
لها البيئة المناسبة . ولكنهم تعجبوا من شطر النمل  
لحبة الكزبرة إلى أربعة أجزاء .

وبعد البحث اكتشفوا أن حبة الكزبرة بإمكانها أن تنبت  
إذا شطرت لنصفين ولكنها لا تنبت إذا شطرت إلى أربعة  
أجزاء . سبحان الذي علم النمل ؟ !

سبحان الله العظيم (أعطي كل شيء خلقه ثم هدى)

هوراء

4319. Нима учун чумоли ер остига түплаб қўйган донлар униб чикмайди?

Олимлар ўрганиб кўришса, чумоли ер остига түплаған дон ва уруғларни иккига бўлиб қўяр экан. Уруғлик дон иккига бўлиб қўйилса, ер ҳар қанча унумдор бўлмасин, униб чикмас экан. Лекин маълум бўлишича, чумоли кашнич донини икки эмас, тўрт бўлакка бўлиб қўяр экан. Таажжубга тушган олимлар кашнич уруғи устида тажриб ўтказиб кўришса, ажойиб кашфиёт қилишди. Кашнич дони иккига бўлинса ҳам ўсиб чиқаверар экан, тўрт бўлакка бўлинсагина ўсиб чикмас экан. Чумолига буни ўргатган Аллоҳ ҳар қандай айбу нуқсонлардан покдир.

«Парвардигоримиз барча нарсага ўз хилқатини – шаклини ато этиб, сўнгра уни тўғри йўлга солиб қўйган Зотдир» (*Toҳа сураси, 50-оят*).



4320. Нима учун такаббурлик қиласан? Ахир топган мол-дунёнинг хусусида икки марта сўроққа тутиласан-ку? Уни қай йўл билан топганинг ва нимага сарфлаганингга жавоб берасан-ку?

Мол-дунёнинг ҳам фақат ҳалоли ҳисоб-китоб қилинади, холос. Ҳароми эса тўппа-тўғри жазога тортилади.

## التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوى

لا تظلمن إذا كنت مقتدا فالظلم ترجع  
عقباه إلى الندم  
تتام عيناك والمظلوم منتبه يدعوك عليك وعين  
الله لم تنم

4321. Қурбинг етса ҳам зинҳор зулм қила кўрма! Зулмнинг оқибати фақат надомат бўлади. Сен-ку зулм қилиб, уйқуга кетарсан, аммо мазлум туни билан ухламай, сени дуоибад қилиб чиқади.

Аллоҳ ҳам ухламайди!

- 1- أسد الله ( الحمزة بن عبد المطلب )
- 2- سيف الله الغالب ( علي بن أبي طالب )
- 3- سيف الله المسالو ( خالد بن الوليد )
- 4- صقر قريش ( عبد الرحمن الداخل )-
- 5- صقر يوم أحد ( طلحة بن عبد الله )
- 6- الجب ( زيد بن حارثة )
- 7- الجب بن الجب (أسامة بن زيد )
- 8- ترجمان القرآن ( عبد الله بن عباس )
- 9- أمين الأمة ( أبو عبيدة بن الجراح )
- 10- سفير الإسلام ( مصعب بن عمير )
- 11- صاحر القرآن أي أول من جهر به ( عبد الله بن مسعود )
- 12- ثير الأمة ( عبد الله بن عباس )
- 13- أبو المساكين ( جعفر بن أبي طالب )
- 14- شهيد مؤمنة ( عبد الله بن رواحة )
- 15- أعلمهم بالحلال والحرام ( هفاذ بن جبل )
- 16- ثقيب في حرب الله ( عيادة بن الصامت )
- 17- رجل من المحبة ( عمار بن ياسر )
- 18- حامل راية الأنصار ( سعد بن عبادة )
- 19- دليل الرسول أئمه المحرجة ( عبد الله بن أريقط )
- 20- مؤذن الرسول ( بلال بن رياح )
- 21- اهتز له عرش الرحمن عند موته ( سعد بن معاذ الانصاري )
- 22- الشاعر الشهيد ( عبد الله بن رواحة )
- 23- صاحب الشهادتين ( الإمام مالك )
- 24- ذاكرة عمر الوحى ( أبو هريرة )
- 25- سيدخل الجنة حيوا ( عبد الرحمن بن عوف )
- 26- قاض الأمة ( عمر بن الخطاب )
- 27- حوارى رسول الله ( الزبير بن العوام )
- 28- الطيار ذو الجناحين ( جعفر بن أبي طالب )
- 29- قطب السخاء ( عبد الله بن جعفر بن أبي طالب )

#### 4322. Саҳобаларнинг кунялари:

1. Асадуллох (Аллоҳнинг шери) – Ҳамза ибн Абдулмуттолиб.
2. Сайфуллоҳил ғолиб (Аллоҳнинг ғолиб қиличи) – Али ибн Абу Толиб.
3. Сайфуллоҳил маслул (Аллоҳнинг яланғочланган қиличи) – Холид ибн Валид.
4. Сақору Қурайш (Қурайшнинг лочини) – Абдураҳмон ибн Доҳил.
5. Сақору явми Уҳуд (Уҳуд кунининг лочини) – Толҳа ибн Убайдуллоҳ.
6. Ҳиббур-росул (Расулуллоҳнинг севиклилари) – Зайд ибн Ҳориса.
7. Ҳиббу ибнул-Ҳибб (Севиклининг ўғли севикли) – Усома ибн Зайд.
8. Таржумонил Қуръон (Қуръон таржимони) – Абдуллоҳ ибн Аббос.
9. Амийнүл умма (Умматнинг ишончли кишиси) – Абу Убайда ибн Жарроҳ.
10. Сафирирүл Ислом (Ислом элчиси) – Мусъаб ибн Умайр.
11. Садиҳул қуръон (Қуръонни ilk бор жаҳрий ўқиган зот) – Абдуллоҳ ибн Масъуд.
12. Ҳибрул умма (Умматнинг олими) – Абдуллоҳ ибн Аббос.
13. Абулмасакийн (Мискинлар отаси) – Жаъфар ибн Абу Толиб.
14. Шаҳиду Мўъта (Мўъта шаҳиди) – Абдуллоҳ ибн Равоҳа.
15. Аъламуҳум бил ҳалали вал ҳаром (ҳалол ва ҳаромни энг яхши билувчи) – Муъоз ибн Жабал.
16. Накийбун фий ҳизбиллаҳ (Аллоҳ гуруҳининг раҳбари) – Убода ибн Сомит.
17. Рожулун минал жанна (Жаннатдаги бир киши) – Аммор ибн Ёсир.
18. Ҳаамили роътил ансор (Ансорлар байроқдори) – Саъд ибн Убода.
19. Даилиур-Росул (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг йўлбошловчиси) – Абдуллоҳ ибн Урайқит.
20. Муаззинур-Росул (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муаззинлари) – Билол ибн Рабоҳ.
21. Иҳтазза лаҳу Аршур-Роҳман (вафоти Раҳмоннинг Аршини ларзага келтирган зот) – Саъд ибн Муоз.
22. Шоируш-шахийд (Шахид шоир) – Абдуллоҳ ибн Равоҳа.
23. Соҳибуш-шаходатайн (Икки шаҳодат соҳиби) – имом Молик.
24. Зокирату асрир ваҳий (Ваҳий асрининг хотираси) – Абу Ҳурайра.
25. Саядхулул жанната ҳабван (Жаннатга эмаклаб киравчи) – Абдурроҳман ибн Авф.

26. Қозил умма (Умматнинг қозиси) – Умар ибн Хаттоб.
27. Ҳаворий Расулиллаҳ (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаворийлари) – Зубайр ибн Абвом.
28. Ат-Тайёр зул жанаҳайн (Икки қанотли учувчи) – Жаъфар ибн Абу Толиб.
29. Кутбус-сахо (Сахийлар кутби) – Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Абу Толиб.



4323. Тарихдаги энг қисқа ва таъсирли мактуб

Умар ибн Хаттобдан Миср волийси Амр ибн Осса:

«Менга етиб келишича, сен ҳукм мажлисида суюниб ўтирад экансан. Эй Осснинг ўғли, тавозуъ билан ўтири. Акс ҳолда лавозимингдан четлатаман. Нафис ва қимматбаҳо кийимлар кийма, хавф ва надомат кийимини кий. Инсоннинг қадри кийим билан белгилансайди, хожилар Ҳарамда энг гўзал кийимларини ечмаган бўлишар эди».



4324. Қиёмат куни энг биринчи сўраладиган нарса намоздир. Шунинг учун намозни ақлинг учун охирги буйруқ қилиб олма!



4325. Олтин олов билан синалади. Аёл олтин билан синалади. Эркак аёл билан синалади.

#### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوى

﴿فَأَسْرَهَا يُوسُفُ فِي نَفْسِهِ وَلَمْ يَبْدِهَا لِهِمْ﴾  
 نقاط القلب ليس عيبا  
 والتغافل ليس غباء  
 والتسامح ليس ضعفا  
 والصمت ليس خجلا  
 بل تربية وعبادة  
 تأمل


4326. «Юсуф буни күнглига тугиб қўйди, лекин уларга ошкор қилмади» (*Yosuf surası, 77-oym*)

- қалб поклиги айб эмас.
- эътиборсизлик аҳмоқлик эмас.
- бағрикенглик заифлик эмас.
- сукут тортичоқлик эмас, балки тарбия ва ибодатдир!




4327. Ҳақиқий мардлик – мусибат етмасидан намоз ўқишидир. Ҳақиқий мардлик – соғ-омон, кучга тўлган, бадавлат ҳолингда Аллоҳга юзланишдир.

Шайх Мұхаммад Ротиб Наблусий



4328. Хотинингга бир қара. Юзида табассум бўлса, ўзи маликалардек бўлса, фахрлансанг бўлади, чунки уни сен ана шундай баҳтиёр қилгансан. Агар у ғамгин, маҳзун ва ранжиган бўлса, уялгин, чунки уни сен ана шундай холга солгансан!



4329. Бир бадавийнинг кечаси ухламайдиган ҳабаш хизматкори бор эди. Бир куни бадавий «Хой бола, сен нега ухламайсан?» деган эди, бола: «Жаннатни ўйласам, завқ-шавқим келяпти. Дўзахни ўйласам, қалбимни қўрқинч босяпти. Ўлимни эсласам, уйкум ўчиб кетяпти. Эй хожам! Бу аҳволда қандай қилиб бемалол ухлайман?» деди. Бадавий бу гапларни эшишиб, йиғлаб юборди. Сўнг «Болам, бундай мақомдаги одам қул бўлиб яشاши дуруст эмас. Кетавер, Аллоҳ розилиги учун сени озод қилдим!» деди. Буни эшитган бола ҳам йиғлаб юборди. Бадавий «Озод бўлсанг ҳам йиғлайсанми?» деган эди, бола: «Эй хожам! Бу кичик озод бўлиш. Лекин ким мени катта озодликка – Қиёмат куни дўзах азобидан озодликка олиб чиқади?» деди.



4330. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу дунёда энг тўқ одамлар Қиёмат куни энг оч одамлар бўлади».

Ибн Можа ривояти.

#### التغريدة



د.أحمد عيسى المعصراوى

إذا وقعت عينك على صاحب ذنب  
فلا يقع في نفسك العزة وأنك خير منه !  
هو فتنٌ وأنت برحمة الله نجوت ،  
فادع الله له بالهدایة ولنفسك بالثبات.

4331. Гунохкор одамни кўриб, мен ундан яхши эканман деб мактана. У фитнага дучор бўлибди, сен эса Аллоҳнинг раҳмати билан нажот топибсан. Яхшиси унинг ҳаққига ҳидоят сўраб, ўзинг учун сабот сўраб дуо қил!

**أعظم أوقات الاستغفار في الأسحار،  
وأفضلها في سجود صلاة الليل**

**قال الله: (وَالْمُسْتَغْفِرِينَ بِالأسحَارِ)**

**قال الطبرى: هم الذين يسألون ستر  
فضيحتهم بالأسحار.**

**الشيخ / عبدالعزيز الطريفي**

4332. Истиғфор айтишнинг энг улуғ вақти – сахар пайтидир. Энг афзал вақти эса тунги таҳажжуд намозининг саждаси пайтидир. Аллоҳ таоло Куръонда «Сахарларда истиғфор айтувчилар», деб мадҳ қилган (*Оли Имрон сураси, 17-оят*).

Имом Табарий: «Бу зотлар сахар пайти гуноҳлари сатр қилинишини сўрайдиганлардир», деганлар.

**«Астагфиуллоҳал ъазийм ва атуубу илайх!»**




يحكى أن أحد الأمراء كان يصلى خلف إمام يطيل فى القراءة، فنفره  
الأمير أمام الناس، وقال له: لا تقرأ في الركعة الواحدة إلا بأية واحدة.  
فصل بهم المغرب، وبعد أن قرأ الفاتحة قرأ قوله تعالى:  
(وقالوا ربنا إنا أطعنا سادتنا وكبر آئنا فأضلنا السبيل).  
وبعد أن قرأ الفاتحة في الركعة الثانية قرأ قوله تعالى:  
(ربنا آتكم ضعفين من العذاب والعنم لعنةً كبيراً).  
فقال له الأمير: يا هذا، طول ما شئت واقرأ ما شئت،  
غير هاتين الآيتين.

4333. Амирлардан бири узоқ тиловат қиласидан имомнинг орқасида намоз ўқир эди. Бир куни амир уни одамлар олдида койиб, «Ҳар ракъатда фақат бир оят ўқийсан!» деб буюрди. Шунда имом шом намозида Фотиха сурасидан кейин «Роббимиз, биз бошлиқларимизга ва катталаримизга итоат қилдик. Лекин улар бизни йўлдан оздирилдилар» оягини ўқиди (*Аҳзоб сураси, 67-оят*). Иккинчи ракъатда эса Фотиха сурасидан кейин «Роббимиз, уларга икки ҳисса азоб бергина ва уларни лаънатлагин!» оягини ўқиди (68-оят). Шунда амир: «Майли, хоҳлаганингча узун ўқи, хоҳлаган сурангни ўқи, фақат шу икки оятни ўқима», деди.



4334. Аллоҳ бир кишига яхшиликни ирода қилса, унинг қалбидан яхши амалларини кўришни тортиб олиб, тилини ҳам яхшиликларини гапирмайдиган, фақат ўз гуноҳларинигина кўрадиган қилиб қўяди ва у то жаннатга киргунича шу нарсани қўз ўнгидага саклайди.



4335. Агар Аллоҳ томон босиб ўтиладиган йўлдан қадам билан юриладиган бўлса, маррага ҳаммадан аввал танаси енгил одам етиб олган бўлар эди. Лекин Аллоҳ томон бўладиган ушбу мусобақа қалб ила бўлади. Амалларини риё қилмай, махфий адо этадиганларга олқишилар бўлсин. Сизу биз билан бир ҳаводан нафас олиб юрган шундай зотлар борки, уларнинг охират диёридаги мол-мулки ниҳоятда кўп бўлиб, у ерда улкан қасрлар қуриб қўйилган, боғларига эса ҳосиллар экиб қўйилган.

Аллоҳ барчамизни, ота-оналаримиз ҳамда дўстларимизни ана шундай жаннат ахлларидан қилсин!

## التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوى

**قالوا عن النبي ﷺ : ساحر مجنون شاعر كذاب  
أبتر... والنتيجة: "ورفعنا لك ذرك"!  
الخافض والرافع هو الله وليس الناس.**

4336. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида иғво қилиб, у зотни сехргар, жинни, шоир, ёлғончи ва насли кесик, яъни беному нишон йўқ бўлиб кетувчи дейишиди. Бироқ Аллоҳ у зотнинг шарафини улуғ қилди. Демак, пастлатгувчи ҳам, юксалтирувчи ҳам инсонлар эмас, Аллоҳдир!

**قال حاتم الأصم رضي الله عنه لا تغتر بمكان صالح فلا مكان  
أصلح من الجنة فلئن أدم عليه السلام فيها ما لقى ، ولا تغتر  
بكثرة العبادة فإن إبليس بعد طول تعبد له لقى ما لقى ، ولا تغتر  
بكثرة العلم فإن بلعام بن باعوراء كان من علماء بنى إسرائيل  
وكان يحسن اسم الله الأعظم فانظر ماذا لقى حيث كفر وصار  
مثلاً كمثل الكلب ، ولا تغتر ببرؤية الصالحين فلا شخص أكبر  
قدراً من النبي صلى الله عليه وسلم ومع ذلك لم ينتفع بلقائه  
بعض أقاربه وأعداؤه ، ولا تغتر بشرف النسب فقد قال الله  
تعالى ( يا نوح إنه ليس من أهلك إنه عمل غير صالح )  
وقال تعالى ( فإذا نفح في الصور فلا أنساب بينهم يومئذ  
ولا يتسائلون ) فالاعتماد على الأعمال والرضا عن النفس  
من أبغض الخصال ، وهي منافية للخوف من ذى الجلال  
( من كتاب تقریب الأصول لتسهیل الوصول لمعرفة الله والرسول )**

4337. Хотам ал-Асом шундай деган эканлар: «Шароитим яхши, ҳамма нарсам бор деб ғуурланма. Зеро, жаннатдан яхши жой йўқ эди, аммо Одам алайхиссалом у ерда нималарга дучор бўлдилар?!

Кўп ибодат қиласман деб ҳам ғуурланма! Зеро, Иблис шунча ибодат қилиб ҳам нималарга дучор бўлди?!

Илмим кўп деб ҳам ғуурланма! Зеро, Бальам ибн Боъуро Бану Исроилнинг олимларидан эди, Аллоҳнинг исми аъзамини яхши билар эди. Бироқ оқибатда кофир кимсага айланиб, итдек ўлиб кетди.

Солиҳлар сухбатида бўламан, улар билан салом-алигим бор деб ҳам ғуурланма! Набий алайхиссаломдан қадри улуғ зот йўқ эди, бироқ у зот билан ҳамсуҳбат бўлган, ҳатто қариндош бўлган баъзи кимсаларга бу нарса манфаат бермади.


Насл-насабим улуғ деб ҳам ғуурланма! Аллоҳ таоло: «Эй Нуҳ, у (ўғлинг) сенинг аҳлингдан эмас! Бу (яъни унинг куфр йўлини тутгани) ёмон амалдир», деди (*Xud surasи, 46-оят*).

Яна Аллоҳ таоло: «Сур чалингтан (яъни Қиёмат қоим бўлган) Кунда ўрталарида ҳеч қандай насл-насаб қолмас, бир-бирлари билан савол-жавоб ҳам қила олмаслар», деган (*Mўъминун surаси, 101-оят*).

Амалларга суюниб қолиши, ҳолатидан рози бўлиб қолиши энг хунук хислатлардандир. Зоро, бундай ҳолат Аллоҳ таолодан хавфсираб туришдек мақомга қарама-қарши нарсадир.



4338. Дуога Аллоҳ таолонинг ал-Ҳайй ва ал-Қоййум сифатларини қўшиб айтинг, дуоингиз ижобат бўлади, муаммоларингиз бартараф бўлади.



**الرطب والولادة**


يقول العلماء: إن عضلة الرحم في مرحلة المخاض والولادة تكون بأمس الحاجة لسكر الطبيعي كغذاء لهذه العضلة الضخمة نسبياً. وبما أن التمر مادة مليئة ومسهلة فهيبة ضرورية للحامل قبل الولادة لتنظيف الكولون والأمعاء وتسهيل الولادة. ولذلك يقوم التمر بالتأثير على عضلات الرحم فينشطها وينظم حركتها مما يسهل ولادة الحامل. وهنا يتجلّ الإعجاز في قوله تعالى في خطابه لرسيدتنا مريم عليه السلام: (وَهُنَّ رُّؤْسَ الْمُنْتَهَى) [آل عمران: 25].


  
[www.kaheel7.com](http://www.kaheel7.com)    @kaheel777


4339. Олимларнинг таъкидлашича, ҳомиладор аёл туғаётган пайтда бачадон мушакларида табиий қанд моддасига катта эҳтиёж сезар экан. Хурмо ана ўша қанд моддасига тўла бўлиб, онанинг осон туғиши, ичаклари тозаланиши учун энг керакли мева экан. Шунинг учун хурмо меваси бачадон мушакларига яхши таъсир қилиб, фаоллаштирас ва унинг ҳаракатини тартибга солиб, туғишини енгиллаштирас экан.

Мана шу нуқтада Аллоҳ таолонинг қўйидаги ояти ақлларни лол қолдиради.


Ийсо алайхиссаломга ҳомиладор Биби Марямни тўлғоқ тутганида Аллоҳ таоло шундай деган: «Хурмо шохини силкитгин, у сенга янги хурмо меваларини ташлайди» (*Марям сураси, 25-оят*)



4340. Мусулмонлар диёрида қариялар уйи борлигини кўрсанг, билгинки уларнинг устига аниқ Аллоҳнинг ғазаби ёғилажак!



4341. Ҳар гал янги гуноҳ қилсанг, тавбани ҳам янгилагин. Сени яратган Зот сени лой ва арзимас сувдан яратганини билади. Инсон заиф бўлади, хато қилади, ғафлатда қолади ва унутади. Яхшиси сен яна солиҳ амалларга қайт, истиғфор айт, афсус чек ва қалби синик бўл!




4342. Суфён ибн Динор айтадилар: «Абу Баширга «Биздан аввалгиларнинг амаллари хақида айтиб беринг», дедим. У зот: «Аввалгилар оз амал қилишса-да, кўп савобни қўлга киритишар эди», дедилар. «Нима учун шундай бўлган?» десам, «Соғлом қалб эгаси бўлишгани учун», дедилар.

صار بعض الناس اليوم لا يجتمعون على الطعام في  
بيتهم ويأكل كل فرد وحده، والإجتماع على الطعام  
من أهم أسباب البركة والتلاطف والمحبة بين الناس  
وفي الحديث "اجتمعوا على  
طعامكم واذكروا اسم الله  
تعالى عليه بيارك لكم فيه".



4343. Бугунги кунда бაъзи одамлар уйларида овқатни жам бўлиб ейишмайди, хар бири якка-якка овқатланади. Ваҳоланки таом устида жам бўлиш барака, бирдамлик ва ўзаро муҳаббат сабабларининг энг муҳимиdir. Ҳадисда: «Таомларингиз устида жам бўлинглар, Аллоҳ таолонинг исмини зикр қилинглар, шунда таомингизга барака берилади», дейилган (*Имом Баихақий ривояти*).



4344. Суфён Саврий шундай деган эканлар: «Аллоҳнинг ҳузурига У Зот билан сенинг ўртангда етмишта гуноҳ билан боришинг сен билан бир банда ўртасида битта гуноҳ билан боришингдан енгилрок».



4345. Абдарий роҳимаҳуллоҳ шундай деган эканлар: «Дин илми инсон фикридан хосил бўлган нарса эмас. У силсиласи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларига бориб уланадиган ишончли аҳли илмларнинг оғзидан эшитилган нарсадир».

## التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال الله تعالى

(رَبُّ اشْرَحْ لِي صَدْرِي وَيَسِّرْ لِي).

مفتاحك السري لكل أزمة..

4346. Ушбу оят ҳар қандай муаммоларингнинг сирли калитидир:  
«Роббим, қалбимни кенг қилгин, ишимни осон қилгин» (*Toxa сураси, 25-26-оятлар*).

لماذا يوضع الهلال على رأس المآذن؟

الحقيقة أن وضع قطعة نحاسية أو معدنية على شكل هلال هي رمز له معنى وله أصل .  
فإن فتحة الهلال تكون باتجاه القبلة لتعطي دلالة على تحديد اتجاه القبلة لسكان المنطقة المحيطة بالمسجد وللمارة .  
فالقبلة تعرف من داخل المسجد باتجاه المحراب .  
وتعرف من خارج المسجد من فتحة الهلال وهذا هو الهدف والغاية من وضع الهلال على رأس المنارة .

لو استفدت من هذه المعلومة لاتدعها تقف عندك

الصحابي الصالحة & الطريق إلى الجنة

fb.com/Quran.Karim11 fb.com/RighteousFriends




4347. Нима учун азон айтиладиган миноралар устига янги чиққан ой белгиси қўйилади?

Мис ёки шунга ўхшаш маъдандан ясалган янги ой шаклининг миноралар устига қўйилишида рамзий маъно бор. Янги ойнинг очиқ томони қиблага қараган бўлади. Бу билан масжид атрофи ёки масжид атрофидан ўтаётганларга қиблага қайси томонда экани кўриниб туради. Масалан, масжид ичизда қиблани меҳробдан билиб оламиз. Масжид ташқарисида эса ойнинг очиқ томонига қараб қиблага қайси томонда экани билиб олинади. Миноранинг тепасига ойсимон белгини қўйишдан мақсад мана шудир.



4348. Аллоҳнинг муҳаббатига тўлган қалбнинг белгиси шуки, бундай қалб соҳиби Аллоҳнинг барча бағрикенг, раҳмдил, муҳаббатли ва манфаатли бўлиб қолади.



4349. Бир фожир аёл мусулмон, тақводор, солиҳ ва гўзал бир йигитга ошиқ бўлиб қолди. Йигит шу атрофдаги бир масжидга қатнар, лекин доим Аллоҳдан хавфда бўлар эди. Фожир аёл эса бадавлат ва гўзал эди. У йигитни бир неча марта ўз уйига чақирди, аммо йигит бош тортди. Аёл йигитни оғдириш учун кўп чоралар кўллади, аммо барчаси бехуда кетди. Аёлнинг қалбидан йигит мустахкам ўрин олган бўлса, йигитнинг қалбидан Аллоҳ жой олган эди. Ниятига етиша олмаган аёл ниҳоят сеҳр-жодуга қўл уриб, йигитни кечаси келадиган қилиб сеҳрлади. Ярим тунда йигит ўзида нимадир хис кила бошлади. Нимадир уни қаергадир тортар эди. Йигитнинг кўнглида ўша аёлни кўришга иштиёқ пайдо бўлиб, кучая бошлади. Йигит бунга қарши чиқишга ҳаракат қиласар, лекин уддасидан чиқа олмас эди. Ниҳоят, оёқлари уни ташқарига бошлади. Шунда йигит отасининг олдига бориб, «Отажон, мени боғлаб қўйинг» дейишига мажбур бўлди. Ота аввалига бундан бош тортди, лекин ўғли гапида туриб олгач, ноилож уни уйнинг устунига боғлаб қўйди. Йигит: «Отажон, дод деб йиғласам ҳам арқонни ечманг», деб тайинлади. Вақт ўтган сари йигитнинг дод-фарёди ортиб

борар, йиғлаб, оғриқдан бақирап эди. Тонг отгач, йигитни овози чиқмай қолди. Отаси яқинига борганда эса у ҳаёт билан видолашиб бўлган эди.

Офарин! Қалби пок йигит ўлим азобида ҳам Роббига хиёнат қилмади. Шунинг учун Аллоҳ ҳам уни ҳимоя қилиб, гуноҳдан сақлади ва гўзал хотима билан тақдирлади.



4350. Қуллик деганда бир хожанинг яхши қулга эга бўлиши тушунилади. Лекин Аллоҳга нисбатан қулликда эса бунинг акси бўлади, Хожанинг қулига чексиз неъматлар ато қилиши тушунилади.

### التغريدة

د أحمد عيسى المعصراوى

الحياة اختبار .. إذا أحب الله دعائك فهو  
يزيد من إيمانك، إذا تأخر في الإجابة فهو  
يزيد من صبرك، وإذا لم يجيب فهو يحمل  
لك الأجمل

4351. Ҳаёт имтиҳондир. Аллоҳ дуоингни ижобат қилса, иймонингни ҳам зиёда қилади. Ижобат кечикиб кетса, сабрингни зиёда қилади. Ижобат қилмаса, охиратда энг гўзал нарсага эга қилади!



4352. Канаданинг Саймон Фрейзер университетида олиб борилган тадкиқотларга кўра, кўп туқсан аёлда қарилик касалига чалиниш оз учрайди. Бунга сабаб шуки, аёл кўп туғса, ҳужайраларнинг умрини узайтиришга масъул бўлган теломера (теломерес ДНА) деб номланувчи хромосома фаоллашади. Демак, аёл киши доимо ёшариб юриши учун кўп фарзанд туғиши кераклиги илмий ҳақиқат экан. Аёл ҳомиладорлик пайтида ундан эстроген гормон ажralиб чиқиб, худди антиоксидант каби ҳужайраларни қариликдан химоя қилар экан.

Бу илмий ҳақиқатни бундан ўн тўрт аср муқаддам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам «Кўпайинглар, чунки мен Қиёмат куни кўплигингиз билан фаҳранаман», деган сўзларида ифода қилганлар.

Субҳаналлоҳ!



4353. Бир киши ҳикоя қилади:

Ақлий ногиронлар шифохонаси олдидан ўтиб кетаётган әдим. Ичкаридан кўпчиликнинг тинмай «Ўн уч!», «Ўн уч!», «Ўн уч!» деб бақиргани эшишиларди. Девор жуда баланд бўлгани учун у ерда нима бўлаётганини билгим келиб, ичкарига қараш учун тешик излай бошладим. Сал нарида бир тешикча кўринди. Тешикдан қараганимни биламан, руҳий касаллардан бири кўзимга бир чўпни тиқиб олди. Мен додлаб ўзимни ташқарига олдим, ичкаридагилар эса «Ўн тўрт!», «Ўн тўрт!», «Ўн тўрт!» деб бақира бошлишди...

Қиссадан хисса шуки, ўзингга тегишли бўлмаган ишларга бурун тиқма!



4354. Ҳар кеча ўқийдиган муъаввизатайн, яъни «Қул аъуузу» деб бошланадиган Фалақ ва Наас сураларига эътиборли бўлинг. Фалақ сурасида Аллоҳга юзланиб, хоҳишимиз йўқ нарсалар хусусида Аллоҳдан ёрдам сўраймиз. Наас сурасида эса Аллоҳга юзланиб, хоҳишимиз бор нарсалар хусусида ёрдам сўраймиз.

**قال السري السقطي رحمه الله : " لسانك ترجمان قلبك " و وجهك مرآة قلبك " يتبيّن على الوجه ما تضمّر القلوب**

4355. Сиррий ас-Сақтий роҳимаҳуллоҳ шундай деган эканлар: «Тил – қалбнинг таржимони, юз эса унинг ойнасидир. Қалблар яширган нарса юзда кўринади», деб айтдилар».

## التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال تعالى :  
 (وجزاهم بما صبروا جنةً وحريرا)

لما كان في الصبر خشونة وتضييق  
 جازاهم على ذلك نعومة الحرير وسعة الجنة  
تدبر

4356. «Сабр қилғанлари учун уларни бөг-роғлар, ипаклар билан мукофотлади» (*Инсон сураси, 12-оят*).

Сабр қилиш оғир, қийин, лекин унинг мукофоти юмшоқ ипак ва кенг жаннатдир!

---

قال الفضيلُ بن عياضٍ : « يا مسكين ، أنتَ مُسْيِءٌ وَتَرَى أَنْكَ مُحْسِنٌ ، وَأَنْتَ حَاهِلٌ وَتَرَى أَنْكَ عَالِمٌ ، وَتَبْخَلُ وَتَرَى أَنْكَ كَرِيمٌ ، وَأَهْمَقُ وَتَرَى أَنْكَ عَاقِلٌ ، أَجْلُكَ قَصِيرٌ ، وَأَمْلُكَ طَوِيلٌ » .

قال الحافظُ النَّهَيُّ معلقاً :

« قلتُ : إِي - وَاللَّهُ - صَدَقَ ، وَأَنْتَ ظَالِمٌ وَتَرَى أَنْكَ مُظْلُومٌ ، وَأَكْلٌ لِلْحَرَامِ وَتَرَى أَنْكَ مُتَوَرِّعٌ ، وَفَاسِقٌ وَتَعْتَقِدُ أَنْكَ عَدْلٌ ، وَطَالِبُ الْعِلْمِ لِلْدُنْيَا وَتَرَى أَنْكَ تَطْلُبُ اللَّهَ » .

---

4357. Фузайл ибн Иёз шундай деган эканлар: «Эй бечора! Ўзинг ёмонлик қиласану, яхшилик қиляпман деб ўйлайсан. Жохил бўла туриб, ўзингни олим деб биласан. Бахил бўла туриб, ўзингни саховатпеша деб ўйлайсан. Ахмоқ бўла туриб, ўзингни ақлли деб ўйлайсан. Ажалинг ўта қисқа, орзуинг эса узундир».

Хофиз Захабий бунга қўшимча қилиб, шундай деганлар: «Аллоҳга қасамки, Фузайл рост сўзладилар. Ўзинг золим бўла туриб, ўзингни мазлум деб биласан. Ҳаром луқма ейсандада, парҳезкорман деб ўйлайсан. Фосиксану, ўзингни тўғри йўлдаман деб биласан. Мол-дунё учун илм оласан-да, Аллоҳ учун илм оляпман деб даъво қиласан».

**قال السري السقطي رحمه الله :**  
**"أَرْبَعٌ خَصَالٌ تَرْفُعُ الْعَبْدَ :**  
**الْعِلْمُ ، وَالْأَدْبُ ،**  
**وَالْأَمَانَةُ ، وَالْعَفَّةُ " .**

4358. Сиррий ас-Сақтий роҳимаҳуллоҳ шундай деган эканлар: «Тўрт хислат бандани юксак даражага кўтаради: илм, одоб, омонатдорлик ҳамда ҳаё ва иффат».



4359. Қўл-оёқлар ҳаракат қилиб, тили қироатга машғул бўлса-да, қалби ҳою-хавас ва дунёнинг ғамига ботган ҳолда адо қилинган намоз ҳақиқий намоз эмас. Ҳақиқий намоз – банда шаклий одоблардан аввал бутун хис-туйғуси ва қалби билан киришган намоздир. Банда намозга мана шундай киришса, дунёда уни тўсиб турган пардани очиб ташлаб, Аллоҳ томон парвоз қиласди. Мана шундай намоз қалбни гуноҳ кирларидан тозалаб, ғайб эшиклари учун очкич бўлади. Аллоҳ фахш ва мункардан қайтарувчи деб айнан мана шу намозни назарда тутган. Инсон Аллоҳни кўп зикр қилиш, У Зот уни доимо кузатиб турганини хис қилиш ҳамда ҳаром луқма, ҳаром маскан, ҳаром либос ва ҳаром хузурлардан четланиш орқали ана шундай намозни қўлга киритади.

*Муҳаммад Саид Рамазон ал-Бутий роҳимаҳуллоҳ*

### أعجوبة الاستغفار

يقول أحد الأزواج: كلما أغلظت على زوجتي، أو شاجرت أنا وهي، أو صار بيني وبينها أي مشكلة أهمن بالخروج من البيت من الغضب.

ووالله لا أفارق باب المنزل إلا وتجتاحني رغبة شديدة في الذهاب للاعتذار لها ومراضتها فأخبرتها بذلك، فقالت لي: أنت تعرف لماذا؟ قال لها: ولماذا؟ قالت بمجرد أن تخرج من الغرفة بعد شجارنا أنهج بالاستغفار، ولا أزال أستغفر حتى تأتي وتراضيني.

### الحكمة

﴿وَمَا كَانَ اللَّهُ مُعَذِّبَهُمْ وَهُمْ يَسْتَغْفِرُونَ﴾  
لذلك فإنه يستحق أن يكون أعجوبة.

#### 4360. Истиғфорнинг ажойиботларидан:

Бир киши шундай дебди: «Ҳар гал хотинимга қўполлик қилсам ёки жанжаллашиб қолсам, ғазаб қилган ҳолда уйдан чиқиб кетишга қасд қиласман. Лекин Аллоҳга қасамки, хонадон эшигидан узоклашмасимданоқ қайтиб бориб, хотинимдан узр сўрашга, унинг розилигини олишга кучли рағбат сезаман. Мен бу ҳақда хотинимга айтсам, у шундай деди: «Бунинг сабабини билмайсизми? Жанжал бўлиб қолса, чиқиб кетишингиз билан истиғфор айтишга тушаман. Истиғфорни тўхтатмасимдан сиз келиб, мени рози қилишга киришасиз», деди.

Бунинг ҳикмати шуки, Аллоҳ Куръони Каримда **«Модомики истиғфор айтишар экан, Аллоҳ уларни азобلامайди»** деган (*Анфол сураси, 33-оят*). Шунинг учун бу қойил қолишга арзигулик ҳикматлардан биридир.

Астагфируллоҳал ъазийм ва атуубу илайх!

### التغريدة



د.أحمد عيسى المعصراوى

قال الله تعالى  
﴿خَافِضٌ رَافِعٌ﴾  
[الواقعة : 3]


سيُخْفَضْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَقْوَامٌ وَيُرْتَفَعْ أَقْوَامٌ، وَتَغْيِيبُ  
كُلِّ شَعَارَاتِ الدُّنْيَا وَمَنَاصِبُهَا . [رسالة القرآن](#)

#### 4361. «(Киёмат кофирларни дўзахга дучор этиб) **паст қилувчи**, (мўминларни эса жаннатга киритиш билан) **баланд қилгувчидир**» (*Воқеа сураси, 3-оят*).

Киёмат куни кимлардир юксалади, кимлардир паст бўлади. У Кунда дунёning барча шиор ва мансаблари барбод бўлади.




4362. Бардавомлик – муваффақият сари олиб борадиган мухим воситалардан биридир.



4363. Шайх Аҳмад Дијодотга фахрий докторлик унвони таклиф қилинганда у киши рад жавобини бериб, «Мен оддий бир инсонман, одамлар мени фақат мебель устаси деб эслашларини истайман», деган эди.



4364. Қарангки, фейсбукдаги мана бу суратлар ҳам түғри тартибда көлтирган экан: аввал қойил қолиши, кейин яхши қўриш, сўнгра қалб тўридан кулиш, кейин сесканиш, сўнгра қайғу, кейин нафрат!



4365. Имом Ғаззолий роҳимаҳуллоҳ шундай деганлар:

«Ўлим пайтида бандан билан учтагина фазилат қолади:

1. Қалб мусаффолиги (дунё ифлосликларидан покланиш).

2. Аллоҳ зикри билан ҳамнафас бўлиш.

3. Аллоҳ учун мухаббатда бўлиш.

Қалб мусаффолигига шахватлардан тийилиш орқалигина эришилади.

Аллоҳ зикри билан ҳамнафас бўлиш Аллоҳни кўп зикр қилиш орқали қўлга киритилади.

Мухаббат эса Аллоҳни таниб, маърифат ҳосил қилиш орқали қўлга киритилади.

Аллоҳнинг маърифатига эса фақат бардавом тафаккур орқали эришилади».

## التغريدة



د.أحمد عيسى المعصراوى

تأملات قرآنية :  
 (اضرب بعصاك البحر)  
 (اصنع الفلك)  
 (ادخل يدك في جيبك )  
 حتى معجزات الأنبياء  
 قرناها الله عزوجل بالعمل  
 فلا تنتظر أي نجاح بدون عمل

4366. «Шунда Биз Мусога «Асоинг билан денгизни ур» деб ваҳий қилдик» (*Шуъаро сураси, 63-оят*).

«Бизнинг риоятимиз ва ваҳиймиз ила кема ясагин» (*Худ сураси, 37-оят*).

«Қўлингни ёқангнинг ичига сук, хеч қандай ёмонликсиз оппоқ бўлиб чиқур» (*Намл сураси, 12-оят*).

Эътибор беринг, Аллоҳ таоло пайғамбарларига берган мўъжизалар учун ҳам бирор амални сабаб қилиб бириктирди. Демак, амалсиз, сайъ-харакатсиз ҳеч қандай ютуқ ҳақида ўйламай қўяқолинг.

د عمر عبد الكافي

**النعمة كالدابة إن لم تقيدها  
 بالشکر هربت وما عادت إليك مرة  
 أخرى**



4367. Неъмат ҳам жоноворга ўхшайди. Агар уни шукр билан жиловламасанг, у қочиб кетиб, иккинчи қайтиб келмайди.



إذا أحسست بأملك فانت حي ، وإذا أحسست بألم غيرك فقلبك حي

4368. Ўзингдаги оғриқни ҳис қилсанг, демак жисминг тирик. Бирордаги оғриқни ҳис қилсанг, демак қалбинг тирик.



4369. Солих салафлар бир тўхтамга келган нарса шуки, агар банда кунини Қуръон билан бошласа, вақти пишиб-етилган, ўсиш қузатилган, покланган ва барака топган ҳамда кўплаб ишларга оз фурсатда эришиш баҳтига муваффақ бўлган кишига айланади.

**سبحان الله: كل شيء نحب التجديد فيه  
المobile .. السيارة .. اللباس .. في كل شيء  
إلا الصلاة .. نصلى بروتين نقرأ الفاتحة  
ونفس السور القصيرة كل مرة ..  
وبعدها نشتكي بعدم الخشوع**

ماجد ذكي

4370. Ҳар бир ишда янгиликни хоҳлаймиз. Янги телефон оламиз, машинани янгилиймиз, янги кийим киямиз ва ҳоказо.

Лекин намозда Фотихадан кейин доим ўша илк бор ёдлаган кичик сураларимизни қайта-қайта ўқииверамиз. Яна хушуъ етишмайди деб шикоят ҳам қилиб қўямиз.

Субҳаналлоҳ!

#### التغريدة



د.أحمد عيسى المعصراوي

مُحَبُ الدِّينِ لِيُنْفَكُ مِنْ ثَلَاثٍ :  
 هُمْ لَازِمٌ  
 وَتَعْبُدُهُمْ دَائِمًا  
 وَحَسْرَةً لَا تَنْقُضُهُ  
 -اللَّهُمَّ اجْعَلْ هُنَّا رَضَاكَ وَجَنَّتَكَ .

4371. Мол-дунёни яхши кўрувчилар уч нарсадан қутула олмайди:

1. Ортиқча ғамдан
2. Доимий ҳоргинликдан
3. Туганмас надоматдан

Бор ғамимиз Сенинг розилигинг, жаннатинг бўлсин, Аллоҳим!



4372. Юсуфнинг ака-укалари Мисрга етиб келиб, Юсуф алайҳиссаломнинг хузурига киришгач, «**Бизга хайр-садақа қилгин!**» дейишди (*Юсуф сураси, 88-оят*).

Кечагина укалари Юсуфни қудуққа ташлаган қўллари бугун садақа сўраш учун чўзилмоқда!

Шундай экан, сен ҳам бирор кишига зулм қила кўрма, чунки бир кун келиб, Юсуфнинг ака-укаларига ўхшаб, ўша мазлумдан садақа сўрашга мажбур бўлиб қоласан!



4373. Шифокорнинг хатоси ер остига қўмади. Муҳандиснинг хатоси ерга қулатади. Лекин ўқитувчининг хатоси ер юзида юради!



4374. Кўнглинг чопмаган нарсага ишонма, чунки қалб кўздан сезгирроқ бўлади.

{نَزَهَ سَمْعُكَ}

رأى أحد السلف رجلاً ينصلت إلى  
رجل يفتتاب الناس

فقال له ...

نَزَهَ سَمْعُكَ عَنْهُ فَإِنَّهُ رَجُلٌ يَخْرُجُ  
أَخْبَثُ مَا فِي وَعَانِهِ لِيُفَرِّغَهُ فِي  
وَعَاءِكَ ... !!!

{الغيبة من الكبائر}

الطريق إلى الجنة  
QURAN.KARIMI / لاصحية للصلة  
RighteousFriendss/

4375. Солиҳ салафлардан бири ғийбатчига қулоқ тутаётган кишини кўриб қолиб, унга: «Қулоғингни ундан йироқ қил. Чунки бу киши ўз идишидаги энг ифлос нарсани сенинг идишингга қўймоқда», деди.

## التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

من أسباب المشاكل وقطع العلاقات وشحن  
النفوس هو : ( نقل الكلام ) ، فكونوا  
صُمًا  
بكمًا  
عميًّا  
عن الشر فهكذا تحسنون  
**اللهم اجعلنا من المحسنين**

4376. Одамлар орасида гап ташиш муаммоларга, алоқаларнинг узилишига ва ўзаро  
адоватга сабаб бўлади. Ёмонликдан тийилиш учун кар, соқов, кўр бўлиб олинглар, шунда  
яхшилик қилувчи муҳсинардан бўласизлар!


Аллоҳим! Барчамизни яхшилик қилувчи муҳсинар қаторида қилгин!



4377. Тарих «Хайр» демайди, «Кўришгунча» дейди.



4378. Инсонда мақсад йўқ бўлиб қолса, сўзлари бефойда ва бемаъни, ишлари енгилтаклик ва аҳмоқликдан иборат бўлиб қолади.



4379. Фарзандларинг ёнингда бўлишини истайсанми? Унда ўзинг ҳам ота-онанг ёнида бўл!



4380. Фарзандлари намозхон бўлишини сўраб айтиладиган дуо:

Иброҳим алайхиссаломнинг дуолари: «Роббижъалний муқиймас-солаати ва мин зурриятий! Роббанаа ва тақоббал дуъаа» (Роббим, мени ва зурриётимни намозни қоим этувчилардан қилгин. Дуоимни қабул қилгин, Роббим! Иброҳим сураси, 40-оят).

## التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال الشافعى رحمه الله :

"إذا كان لك صديق -يعينك على الطاعة- فشد  
يديك به ، فإن اتخاذ الصديق صعب وفارقته  
سهل"

حلية الأولياء (4/101)

4381. Имом Шофеъий роҳимаҳуллоҳ шундай деган эканлар: «Сени тоат-ибодатга чорлайдиган дўстинг бўлса, унинг қўлидан маҳкам тут, чунки ҳақиқий дўст танлаш қийин, йўқотиш эса осондир».




4382. Неъмат уч турли бўлади:

Биринчиси қўлга киритилган неъмат бўлиб, банда уни билади.  
Иккинчиси кутилаётган неъмат бўлиб, бандада уни умид қиласади.  
Учинчиси бандада ўша неъматнинг ичига бўлиб, уни хис килмайди.



أغلبنا يقول لأولاده : أريدك مهندساً أو دكتوراً أو طبيباً أو .... !!  
من هنا قال : أريدك مباركاً أيهما كنت ..!  
عبارة تحتاج .. تأملاً و عملاً  
اسأله الله دانما البركة في النفس والمال والولد والرزق قل منه أو  
كثراً .. فليست العبرة بالعدد إنما العبرة بالبركة ...  
فـ البركة .. إذا حلّت في المال كثرته وفي الولد أصلحته  
وفي الجسم قوته وفي الوقت عصرته وفي القلب أسعدهـه ..

اللهم اجعلنا مباركين أيهما كنا



4383. Күпчилик фарзандига «Мен сенинг келажакда мұхандис ёки фан олими ёки дүхтири ёки .... бўлишингни истайман», дейди.

Лекин кимдир «Қаерда бўлсанг ҳам, баракали бўлсанг бўлди», дейди.

Мана шу жумла бироз фикрлашга чорлайди!

Аллоҳдан доим мол-дунёга, фарзандларга, ризқнинг озига ҳам, кўпига ҳам барака беришини сўранглар. Мухими неъматнинг сони эмас, баракасидир. Барака мол-дунёга берилса, мўл-кўл бўлади. Барака фарзандга берилса, салоҳиятли бўлади. Барака жисмга берилса, соғлом бўлади. Барака вақтга берилса, обод қилиб юборади. Барака қалбга берилса, баҳтли қилиб юборади.



4384. «(Дилозорлик қилиб, одамларнинг обрўсини тўкиб юрадиган) **барча бўхтончию гийбатчиларга вайл бўлсин!**» (*Ҳумаза сураси, 1-оят*).

كان الإمام أبو حنيفة رحمه الله مارا مع نفر من  
 جماعته متوجهين إلى المسجد  
 فوجدا طفلاً يتوضأ وتنزل دموعه في النهر  
 من شدة البكاء  
 فسأله الإمام أبو حنيفة عن السبب  
 فقال له الطفل دعني وشأني يا إمام  
 فألح عليه الإمام  
 فقال له الطفل قرأت في القرآن آية تقول (فاتقوا  
 النار التي وقودها الناس والحجارة أعدت للكافرين)  
 فقال له الإمام صحيح ولكنك يا بني ما زلت  
 صغير السن ولا تنطبق عليك هذه الآية  
 فماذا قال له الطفل  
 أولسنا يا إمام إذا أردنا أن نشعّل ناراً وضعنا  
 صغير الحطب قبل كبيره  
 مما كان من الإمام إلا أن قال  
 لجماعته والله إنه يخاف الله  
 أكثر منا  
 لذلك أيها الشاب وأيتها الفتاة لا  
 تقولوا ما زلنا صغار على العبادة  
 اتقوا الله لكي تنجو من النار

4385. Имом Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ бир неча киши билан масжидга кетаётган эдилар. Бир ёш бола таҳорат қилаётib, қаттиқ йиғлаб ўтирганини, кўз ёшлари дарёга тушаётганини кўриб қолишиди. Абу Ҳанифа бунинг сабабини болакайдан сўрадилар. Шунда бола: «Мени тинч кўйинг, имом» деди. Лекин имом қаттиқ сўраб туриб олган эдилар, бола «**Кофиirlar учун тайёрлаб қўйилган, ўтини одамлар ва тошлардан бўлган дўзахдан қўрқинглар**» оятини ўқиди (*Бақара сураси, 24-оят*). Шунда имом: «Тўғри айтдинг! Лекин сен ҳали ёш боласан-ку, бу оят сен каби ёш болаларга айтилмаган-ку», дедилар. Бола: «Эй имом! Ахир олов ёқмоқчи бўлсак, катта ўтин солишдан олдин кичикларини солиб ёқамиз-ку?!» деди. Шунда Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ ёнидагиларга: «Аллоҳга қасамки, бу бола Аллоҳдан биздан кўра кўпроқ қўрқар экан», дедилар.

## التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

احتضر أحد الصالحين فبكت أمه فقال:  
 يا أمّ لو أن حسابي يكون بين يديك فما تفعلين  
 بي؟ قالت: أرحمك  
 فقال: الله أرحم بي منك.

4386. Солиҳ зотлардан бирига ўлим талvasаси яқинлашганда унинг онаси йифлай бошлади. Шунда у зот: «Онажон! Агар менинг ҳисоб-китобим сизнинг кўлингизда бўлганида нима қилар эдингиз?» деди. Онаси: «Рахм қилар эдим», деди. Шунда у зот: «Йифламанг, онажон, Аллоҳ менга сиздан ҳам меҳрибонроқ», деди.



4387. Аҳмад Дијодотдан: «Ислом дини дунёга қилич тифи ёрдамида тарқалганми?» деб сўрашди. Шайх Дијодот: «Қилич сўзи Инжилнинг 200 жойида зикр қилинган. Қуръонда эса бирор марта ҳам қилич сўзи зикр қилинмаган», дедилар.

### {طاعة الزينة وزينة الطاعة}

رحم الله امرأة أطاعت ربها فتزينت لزوجها  
خير الزينة !!!

ورحم الله رجلا نظر لزينة زوجته فأطاع ربها  
فأنى عليها ومدحها !!!  
"فكان عونا لها على الطاعة"




4388. Роббига итоат қиладиган, эри учун энг гүзал зийнатларини ишлатадиган аёлга Аллоҳ раҳм қилсин! Хотинининг зийнатига қараб, бунинг шукронасига Роббига гүзал ибодат қиладиган, хотинини мақтаб, тасаннолар айтадиган, хотинига тоат-ибодатда ёрдам берадиган эркакка ҳам Аллоҳ раҳм қилсин!



4389. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам шундай деганлар:  
 «Дўзах Роббига шикоят қилиб, «Роббим, ич-этим бир-бирини еб юборяпти», деди.  
 Шунда У Зот унга икки нафасга – қишида бир нафасга, ёзда бир нафасга изн берди. Сиз дуч келадиган энг шиддатли иссиқ ва энг шиддатли совуқ ана шундандир».

*Ибн Можа ривояти.*



4390. Аллоҳ таолони зикр қилишнинг фойдаларидан бири мунофиқликдан қутулишdir. Зоро, Аллоҳ таоло мунофиқлар ҳақида: «Улар Аллоҳни камдан-кам эслашади» деган (*Niso сураси, 142-оят*).



د أحمد عيسى المعصراوي

أَن تَقُومْ تَصْلِيَ الْفَجْرَ وَيُطْبِيرَ النَّوْمَ مِنْ  
عَيْنِكَ ذَلِكَ خَيْرًا مِنْ أَنْ تَطْبِيرَ رُوحَكَ  
لِخَالِقِهَا وَأَنْتَ لَمْ تَصْلِيَهَا  
اللَّهُمَّ ثَبِّتْنَا عَلَى أَدَاءِ صَلَاتِ الْفَجْرِ  
فِي وَقْتِهَا

4391. Бомдодни ўқимасанг ҳам руҳинг уни яратган Холиқ томон парвоз қилганидан кўра бомдодни ўқиб, уйкунг ўчиб кетгани яхшироқ.

Аллоҳим! Бизни бомдодни ўз вақтида ўқиша бардавом қил!

كُلَّ الْآيَاتِ الْكَرِيمَةِ تَدْعُوكَ إِلَى تَدْبِيرِ الْقُرْآنِ  
وَلَا تَوْجُدْ آيَةٌ وَاحِدَةٌ تَدْعُوكَ إِلَى خَتْمِهِ فَأَحْرِصْ  
عَلَى الْقِرَاءَةِ بِتَدْبِيرٍ خَيْرٍ مِنْ الْقِرَاءَةِ السَّرِيعَةِ  
لِأَجْلِ خَتْمِ الْمَصْحَفِ.

4392. Барча ояти карималар Қуръонни тадаббур ва тафаккур қилиб ўқишига буюради. Лекин уни хатм қилишга чакиравчи бирор оят йўқ. Шундай экан, Қуръонни хатм қиласман деб тез ўқиганингдан кўра хатм қиласанг ҳам шошилмай, тадаббур билан ўқиганинг афзал.



قدِّيماً فِي مِصْرِ وَقَبْلَ مَكَبَرَاتِ الصَّوْتِ كَانَ  
يُشَرِّطُ عِنْدَ إِخْتِيَارِ الْمَؤْذِنِ أَنْ يَكُونَ ضَرِيرًا  
لَكِي لَا يَكْشِفَ عُورَاتَ الْبَيْوَاتِ الْقَرِيبَةِ مِنَ  
الْمَسْجِدِ

4393. Кадимда, хали микрофонлар чиқмасидан аввал Миср ўлкасида аzon айтувчи муazzиннинг кўзи ожиз бўлиши шарт қилиб қўйилган эди, чунки миноранинг тепасига чиқкан муazzиннинг масжид яқинидаги ҳовлиларга кўзи тушиши мумкин эмас.

*Кадимда Мисрда айтмоққа аzon  
Фақат аъмоларга берилмиши изн  
Минора устидаги пастга қарабон,  
Ҳовлиларга зинҳор тикмагай кўзин!!!*

من أَجْمَلُ نَعِيمِ الْجَنَّةِ أَنْ تَجْلِسَ مَعَ  
رَسُولِ اللَّهِ وَتَرِي وَجْهَهُ وَتَقْبِلَ يَدَهُ  
**فَكِيفَ أَكُونُ قَرِيبًا مِنْ مَجْلِسِهِ؟**  
يَقُولُ النَّبِيُّ عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ  
**مَنْ كَانَ أَكْثَرُهُمْ عَلَى صَلَاةٍ كَانَ**  
**أَقْرَبُهُمْ مِنِي مَنْزِلَةُ يَوْمِ الْقِيَامَةِ**

أحمد ترجمان

4394. Жаннат неъматларининг энг гўзали Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ўтириб, у зотнинг юзларини кўриб, кўлларини ўпишдир.

Қандай қилиб у зот билан жаннатда бирга ўтириш мумкин?

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ким менга қўп салавот айтса, Қиёмат куни менинг энг яқин сухбатдошим бўлади**», деганлар.

Имом Байхакий ривояти.

فَجَاءَتْهُ أَخْدَاهُمَا تَمْشِي عَلَى اسْتِخْبَاءٍ  
لَمْ يَصُفِ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ  
**طَوْلَهَا وَلَا عَرْضُهَا**  
**وَلَا شَكْلُهَا وَلَا لَوْنُهَا**  
**بَلْ وَصْفٌ أَغْلَى مَا فِيهَا**  
**وَهُوَ الْحَيَاءُ**

اللهم ارزق بنات المسلمين حياءً كحياء تلك الفتاة

4395. Мусо алайҳиссалом икки қизнинг ҳайвонларини сугориб бергач, «Улардан бирини ҳаё билан юриб келиб, «**Отам (молимизни) сугориб берганинг ҳаққини бериш учун сени чакирияптилар**», деди» (*Қасос сураси, 25-оят*).

Эътибор беринг, Аллоҳ таоло ўша қизнинг на бўй-бастини, на семиз-ориқлигини, на шаклу шамойилини, на ранг-рўйини васф қилмади. Демак, аёлни тавсифлашдаги энг муҳим булар эмас экан. У Зот энг муҳим сифатни айтиб, унинг ҳаёли эканини айтди.

Аллоҳим! Барча муслималаримизни ана шу қизлардек ҳаёли қилгин!



د.أحمد عيسى المعصراوى

﴿ وَلَوْ تَرَى إِذْ وَقَفُوا عَلَى النَّارِ فَقَالُوا  
يَا لَيْتَنَا نُرُدُّ ﴾

مجرد رؤية النار تجعلك تتنى العودة لفعل  
الخير....فكيف بدخولها؟!  
اللهم أجرنا من النار!

4396. Дўзах тепасида турғазиб қўйилган пайтларида «**Қани энди (дунёга) қайтарилсақ ва Парвардигоримизнинг оятларини ёлғон демай, мўминлардан бўлсанг**» дейишларини кўрсанг эди» (*Анъом сураси, 27-оят*).

Банда дўзахни кўргандаёқ яхшилик қилиш учун дунёга қайтгиси келиб қолса, дўзахга тушганларнинг аҳволи не кечаркин?

Аллоҳим, бизларни дўзахдан асрар!



4397. Замонавий алоқа воситалари сизларни Қуръон ўқишдан, тасбех айтишдан түсиб қўймасин! Бу воситаларга машғул бўлиб юраверсангиз, рухингиз бўм-бўш бўлиб қолади, натижада қалбни ғам-ғусса ва қайғу чулғаб олади. Қалб фақат ибодатлар билангина руҳий озуқа олади.

قال ابن حجر رحمه الله :

"لَا يَمْنَعُكَ سُوءُ ظُنُوكَ بِنَفْسِكَ، وَكُثْرَةُ ذُنُوبِكَ أَنْ  
تَدْعُ رَبَّكَ فَإِنَّهُ أَجَابَ دُعَاءَ إِبْلِيسِ حِينَ قَالَ :  
رَبِّنِي أَنْظُرْنِي إِلَى يَوْمٍ يَبْعَثُونَ .  
قَالَ إِنَّكَ مِنَ الْمُنْظَرِينَ ."

الفتح 11/168

4398. Ибн Ҳажар роҳимаҳуллоҳ шундай деган эканлар: «Ўзинг ҳақингда ёмон гумон қилганинг учун, гуноҳларинг кўплиги учун Роббингга дуо қилишдан тўсилиб қолма! Ахир иблис ялиниб, «Роббим, у ҳолда менга улар тириладиган Кунгача мухлат бергин» деганида Аллоҳ: «Сен маълум вактда етиб келадиган Кунгача (Қиёматгача) мухлат берилганлардан бўлдинг» деган-ку?» (Сод сураси, 79-81-оятлар)



4399. Лицейнинг эски үқитувчиларидан эдим. Бир куни дарслар орасида бўш вақт бўлиб қолди. Уйим анча узок бўлгани учун лицейда, мудирнинг хузурида ўтиришга қарор қилдим. У менинг дўстим эди. Киришим билан ташвишларини айтиб, хаётидан шикоят қила бошлади. Бу шаҳарда роса зерикканини, сафар қилгиси келаётганини айтди. Жазоирдан иш сўраб ариза ёзганини, аризаси қабул бўлганини, энди ўша ерга кетишини айтди. У ерда ойлик маош катталигини, у ерда беш йил ишлашини, ёзда ҳам уйга қайтмай, дунё кезмоқчи эканини, биринчи ёзни Парижда, иккинчи ёзни Испанияда, учинчи ёзни Италияда, тўртинчи ёзни Англияда ўтказмоқчилигини айтди. У ўша шаҳарни айланиб, музейларни томоша қилишини, қишлоқ ҳаёти ва маданиятини кўришни, беш йилдан кейин эса қайтиб келиб, ишни тугатиб, нафақага чиқмоқчилигини, топган пулларига эса совғалар дўкони очмоқчи экани ҳақида узундан-узун ҳикоя қиласар эди. Гапи тугагач, мен уни бир пиёла чой билан меҳмон қилгач, ишимга бордим. Сўнгра уйимга қараб йўл олдим.

Аллоҳга қасамки, шу куни ёш ўртоғимнинг вафот этгани ҳақида хабар етиб келди.

Шундай экан, кўз олдингда доим ишинг, режаларинг эмас, ўлим туриши керак экан. Доим ўлим ҳақида, тез фурсатда Аллоҳга йўлиқиш ҳақида фикрлаш керак экан.

*Мұхаммад Ротиб Набулсий*



4400. Абу Дардо розияллоҳу анху шундай деган эканлар: «Ҳаётда ушбу икки кишининг биридагина яхшилик бор холос: онгли равишда жим турган одам ҳамда билиб туриб гапирган одам».

## التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوى

سورة يوسف كلها ثناء عليه فهو  
 (العالم، الحكيم المحسن، الصديق  
 الصابر، التقى)

ليس فيها ثناء على جماله  
 وقد أعطى نصف الجمال  
 قيمتنا بأخلاقنا

4401. Юсуф сурасида Юсуф алайҳиссалом олим, ҳаким, солих, сиддиқ, сабрли ва тақводор деб мақталган. У зотга дунёдаги барча гўзалликни ярми ато қилинган бўлса ҳам, бирор марта у кишининг гўзалликлари зикр қилинмаган.

Демак, қадр-қимматимиз ҳуснда эмас, ахлоқимизда экан.

{الإختبار الفاضح}  
 إذا أردت أن تعرف نفسك من أهل الدنيا أم من أهل  
 الآخرة ??  
 ببساطة شديدة ..  
 انظر في جدولك اليومي لترى ما فيه من أعمال الدنيا  
 وما فيه من أعمال الآخرة !!

ثم ..  
 انظر في أهدافك المستقبلية لترى كم هدفاً تود تحقيقه  
 للدنيا وكم هدفاً للأخرة !!

العجيب ..  
 أن الشيطان سيمعنك من القيام بهذا الإختبار حتى لا  
 تقف على حقيقة الأمر !!  
 الخلاصة ..  
 "كذابون نحن أئبأ الأحبة وبشدة"  
 {فاللهم عفوا}

الطريق إلى البعدة  
 QURAN.KARIMI / الصحبة للصالحة  
 RighteousFriends/

4402. Сиз дунё аҳлиданмисиз ёки охират аҳлиданми? Буни билиш жуда осон – кун тартибингизга бир қарасангиз кифоя. Унда дунёга оид амаллар кўпми ёки охиратга оидми? Хулоса ўзингиздан.

Яна бир усул – ҳаётдаги режаларингиз, келажакдаги мақсадларингизни бир сархисоб қилиб кўринг. Уларнинг қанчаси дунё учун, қанчаси охират учун? Яна хулоса ўзингиздан.

Қизифи шундаки, кимлигингизни, яъни дунё аҳлидан ёки охират аҳлидан эканингизни билмаслигингиз учун, ҳақиқий мақсадга эришмаслигингиз учун шайтон сизни бундай сархисоб ва имтиҳон қилишдан тўсади ҳам. Аммо тан олиш керакки, бу оғир саволларга жавоб беришда ёлғончимиз.

Аллоҳим, бизларни афв қил!



4403. Эгар тилладан ясалган бўлса ҳам, эшакни отга айлантира олмайди. Худди шунингдек, ҳар қанча дабдабали кийинишмасин, жоҳиллар барибир жоҳиллигича қолаверади.

*Ялтир-юлтир кийим жоҳиллар учун  
Оқил дейшиликка ҳужжат бўлолмас  
Эшакни ҳар қанча ясатмасинлар,  
Ақли борлар уни от деб билолмас...*

## {الظلم}

عن ابن عباس - رضي الله عنهم - قال

"لو أن جبلاً باغى على جبل لديك الله  
الجبل البااغي"



4404. Ибн Аббос розияллоху анху: «Бир төг бошқа бир тоққа тажовуз қиласа, Аллох ўша тажовуз қилган төгни парчалаб юборади», дедилар.

Бир кишига зулм қилган бўлсанг, тез унинг розилигини олишга шошил!



4405. Аллоҳга далада қилинган ибодат худди меҳробда қилинган ибодат кабидир. Заводда қилинган ибодат ҳам худди ҳаждаги саъӣ ва тавоғ каби ибодатдир.

*Шайх Мухаммад Фаззолий*

## التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

إذا دخل القرآن قلبا  
خرجت الدنيا من ذلك القلب  
وحطت السعادة رحالها  
ووضعت البركة أغصانها  
في ذلك القلب  
فهنيئاً لقلوب  
امتلأة وتشبعت بالقرآن

4406. Куръон бир қалбга кирса, бу қалбдан дунё муҳаббати чиқиб кетади. Унинг улови баҳт-саодат бўлади. Бу қалбда барака гуркирайди.

Куръонга тўйинган, Куръон билан тўлган қалбга олқишлиар бўлсин!



**شاور في أمورك من تثق عنه  
بثلاث خصال:  
صواب الرأي، وخلوص النية،  
وكتمان السر.**

الصديق العالج & الطريق إلى الجنة  
[www.facebook.com/Quran.Karim11/](http://www.facebook.com/Quran.Karim11/) [www.facebook.com/RighteousFriendss/](http://www.facebook.com/RighteousFriendss/)

4407. Қуйидаги уч хислатни ўзида мужассам қилган ишончли киши билангина маслаҳат қил:

1. Тўғри фикр.
2. Холис ният.
3. Сирни яшира олиш.



4408. Бир киши сенга зулм қилса, ундан қасос олиб ўтирумай, тақдир уни қандай жазолашини узоқдан кузатиб тур. Тақдир доим аниқ ва равшан хисоб-китоб олиб боради. У жазони бироз кечиктириши мумкин, лекин зинхор эътиборсиз ташлаб қўймайди.



4409. Қадимда овқат топиш учун бир неча километр йўл юришарди. Ҳозир эса овқат ҳазм қилиш учун бир неча километр юришяпти.

Аллоҳим! Неъматларинг билан бизни истидрож қилмагин, тўсатдан интиқом олмагин, бошқа умматларга ёмон ибрат қилмагин!



4410. Молик ибн Динор шундай деган эканлар: «Илмни амал қилиш учун ўргансанг, илм сени хокисор қилиб қўяди. Амал қилишдан бошқа мақсадда ўргансанг, илм сени мақтанчоқ, такаббурлик қиласди, холос».

### التغريدة




دأحمد عيسى المعصراوى

﴿لِيُذَقُّهُمْ بَعْضُ الَّذِي عَمِلُوا لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ  
 الْمَصَابِبُ إِشَارَةٌ تَحْذِيرٌ لِلْمُؤْمِنِ  
 لَعَلَّهُ يَتُوبُ وَيَقْلِعُ عَنِ الذَّنْبِ  
 فَتَصْلِحَ أَحْوَالَهُ وَتَسْتَقِيمَ شَوَّافَتِهِ

4411. «Одамларнинг қилмишлари сабабли қуруқликда ҳам, денгизда ҳам турли оғат-балолар юз берди. Бу уларнинг қайтиши учун ҳамда қилган айрим гуноҳларининг (жазосини) уларга тотдириб қўиши учундир» (*Рум сураси, 41-оят*).

Эътибор беринг, тушаётган мусибатлар мўмин киши тавба қилиб, гуноҳлардан батамом тўхтаб, ахволини ислоҳ қилиши, ҳаёт тарзини тўғрилаб олиши учун бир ишорадир.



4412. Уч тоифа билан сұхбатлашсанғыз, ҳузур қиласиз: содиқ дүст, солих фарзанд ва солиҳа аәл.



4413. Гунохларни истиғфор билан ёқиб юборинг!  
«Астағфируллоҳал ъазийм ва атуубу илайх!»

*Тавба ўт эрур, гуноҳ-чи – ўтин,  
Ўтинга ўт тушса, қоларми бутун?*



#الصلوة ..

يجعل الانسان أكثر تحكما في افعالاته ،  
 قال تعالى : « خلق الانسان هلوعا إذا مسه  
 الشر جزويا وإذا مسه الخير منوعا إلا  
 المصلين »



4414. Инсон ғазаб отига миниб, ҳис-ҳаяжонга берилган пайтда энг яхши таъсир қилувчи нарса намоздир. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган: «Инсон бетоқат қилиб яратилган. Унга ёмонлик етиб қолса, ниҳоятда бесабрлик қиласи. Унга яхшилик етса, ниҳоятда баҳиллик қиласи. Фақат намоз ўқигувчи зотларгина бундай эмас, улар намозларида бардавом бўлгувчи зотлардир» (*Маориж сураси, 19-23-оятлар*).

من مغرب يوم الخميس إلى مغرب الجمعة، كل ثانية  
فيها خزانة من الحسنات لا يعلم بها إلا الله،  
فليكثر من الصلاة على النبي ﷺ



4415. Пайшанба кунининг шом пайтидан бошлаб жума кунининг шом пайтигача бўлган фурсатнинг ҳар бир сонияси шу қадар кўп яхшиликлар хазинасига тўлдирилганки, уларнинг қанчалигини Аллоҳнинг Ўзи билади, холос. Ана шу фурсат оралигига Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга кўп салавот айтинг!

Аллоҳумма, солли ъалаа Мухаммадин ва ъалаа оли Мухаммад!

## التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

الدنيا "منزل بالإيجار" "مهما فَعَلتْ فِيهِ  
فَإِنَّكَ سَتُرَكُهُ يَوْمًا مَا ،،"  
وَالآخِرَةُ هِيَ "منزل مِلْكٍ لَكَ"  
بِيَدِكَ الْآنَ بِنَاؤِهِ فَلْتُحْسِنِ الْبَنَاءَ  
**قرارك بيديك**

4416. Дунё – ижарага олинган уйдир. Уни ҳар қанча безаманг, бир кун келиб барибир ташлаб кетасиз. Охират эса ҳақиқий уйимиздир. Мана бу уйни ҳар қанча обод қилсак арзиди. Шундай экан, уни имкон қадар гўзал бунёд қиласлик, ҳаммаси Уни обод қилиш эса ўз қўлимизда!



4417. «Шунингдек, У Зот мени онамга итоатли – меҳрибон қилди ва мени ситамкор бадбаҳт қилмади» (*Марям сураси, 32-оят*)

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу: «Онага яхшилик қилишдан кўра Аллоҳ таолога яқинлаштирувчи бирор амални билмайман», дедилар.

# الدين عزلة عن الحرام لا عن الحياة !

ماجد زكي

4418. Дин – ҳаромдан чекиниш дегани, ҳаётдан эмас!



4419. Шомлик мұхаддис ва аллома Бадриддин Ҳасанийдан «Бир соатдан кейин вафот этишингизни билиб қолсанғыз, бу фурсатда қандай амал қылардингиз?» деб сүрашди. У зот: «Илм излар эдим», дедилар. «Нима учун айнан илм излар эдингиз?» дейишиди. У зот шундай дедилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхі васалламнинг ҳадисларига биноан. У зот: «Кимнинг ажали илм излаётганида келса, Аллоҳ азза ва жалланинг хузурига борганда у билан пайғамбарлар ўртасида факат пайғамбарлықдан бошқа фарқ бўлмайди», деганлар».

Табароний ривояти.



4420. Ким мўътадилликни ўрганса, баҳт-саодатни ўрганибди. Ким ўрта йўлни танласа, ғалабага эришибди. Ким енгил нарсага эргашса, муваффакиятга эришибди.

### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

(العلم والعمل توأمان؛ أحدهما على الهمة).

بدائع الفوائد (٧٤٧)

4421. Илм билан амал эгизакдир, уларнинг онаси эса олий ҳимматдир.

أربعة تعيينك على جلاء قلبك:  
**كثرة الذكر،  
ولزوم الصمت،  
والخلوة،  
وقلة المطعم والمشرب.**

4422. Тўрт нарса қалбнинг жилосидир:

1. Кўп зикр қилиш.
2. Камгап бўлиш.
3. Хилватда юриш.
4. Кам еб, кам ичиш.

الأمس عبرة..  
والاليوم خبرة..  
وغدا تصحيح خطوة..

وهذا حال الدنيا نعيش ونتعلم

4423. Кечаги кун – ибрат, бугунги кун – тажриба, эртанги кун – йўналишни тўғрилашдир!

Мана шу биз яшаётган дунёнинг ҳолатидир!



"إذ أوى الفتية إلى الكهف"  
قالوا ربنا آتنا من لدنك رحمة"  
دعوه واحدة حفظهم الله بها أكثر  
من ثلاثة قرون!.  
احفظ مستقبلك بالدعاء وقل يا رب.

صَبَّ سَاحُ الدُّعَاءِ...



4424. «Эсланг, ўшанда бу йигитлар ғордан паноҳ топиб, «Роббим, бизга Ўз ҳузурингдан раҳмат-марҳамат ато этгин ва ишимизни Ўзинг ўнглагин», дейишган эди» (Kaҳф сураси, 10-оят).

Биргина дуо сабабли Аллоҳ таоло ғор соҳибларини уч юз йил ҳимоясига олди. Сен ҳам келажагингни дуо билан муҳофаза қил!

كان عبد الله بن مسعود رضي الله عنه يقول :  
عليكم بالشفائين : القرآن ، والعسل  
وكان يقول : العسل شفاء من كل داء  
والقرآن شفاء لما في الصدور  
[ مصنف ابن أبي شيبة 30642 / الطبراني في الكبير 30643 ] [ 8910 ]

4425. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анху айтадилар: «Ўзингизга икки шифони: Куръон билан асални раво кўринг. Асал барча дардларга шифодир. Куръон эса қалбларга шифодир».

#### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

سُئل حذيفة بن اليمان رضي الله عنه:

«أَيُّ الْفَتْنَ أَشَدُ؟ قَالَ: أَنْ يُعَرَّضَ عَلَيْكَ الْخَيْرُ وَالشَّرُّ فَلَا تَدْرِي أَيِّهِمَا تَرَكِبُ» .

حلية الأولياء (٢٧١ / ٧).

4426. Хузайфа ибн Ямон розияллоҳу анхудан: «Энг оғир фитна қайси?» деб сўрашди. У зот: «Сенга яхшилик ёки ёмонлик таклиф қилинса-ю, сен қай бирини қилишни билмаслигинг, яъни сенинг наздингда яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам бир хил бўлиб қолиши», дедилар.



4427. Ибн Ҳиббон роҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Мазах сўзининг луғавий маъноси ҳақдан узоклаштирмоқдир. Дарҳакиқат, қанчадан-қанча дўсту улфатлар орасига совуклик тушиб, ажралишининг биринчи сабаби мазахлаш бўлган».



4428. Банда Роббидан ғафлатда юриб, ниҳоят Роббини унутиб ҳам қўяди. Шунда Робби унга муштоқ бўлиб, Ўзини эслатиш учун бало юборади. Натижада банда ғафлатдан уйғониб, Аллоҳни яхши кўриб қолади. Шунда Аллоҳ ҳам уни яхши кўриб қолгач, ундаги балони аритади ва покиза ризқ билан сийлайди.



4429. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: «Жоним қўлида бўлган Зот – Аллоҳга қасамки, агар фарзанди чала тугилган она (унинг чала туғилиб, нобуд бўлганига сабр қилиб) савоб умид қилса, ўша бола уни киндигидан тортиб, жаннатга етаклаб боради савоб умид қилса».

*И мом Аҳмад ва Ибн Можса ривояти.*



4430. Ақлли киши билан маслаҳат қилсанг, унинг ақли сенга ўтиб қолади!

### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوى

لور حرص كل شخص بالتصدق ولو بالقليل، لما  
وجدنا جائعا على وجه الأرض

4431. Ҳар бир инсон озгина бўлса-да садақа беришга рағбат қилса, курраи заминда бирорта оч одам қолмаган бўлар эди.



#

4432. Куръонни қабул қилиб олишнинг тартиблари:

1. Тинглаш:

«Куръон тиловат қилганда уни тингланлар ва жим туриңглар, шояд раҳматта  
эришсангиз» (*Аъроф сураси*, 204-оят).

2. Тиловат:

«Биз китоб берғанлар ичидан уни ўрнига қўйиб тиловат қиласиганлар – ана  
ўшалар унга иймон келтирадилар» (*Бақара сураси*, 121-оят).

3. Ёд олиш:

«Йўқ, (Куръон) илм ато этилган зотларнинг қўнглида (ёд бўлгувчи) аник-равшан  
оятлардир» (*Анқабут сураси*, 49-оят).

4. Тафаккур ва тадаббур:

«(Эй Мухаммад алайхиссалом! Ушбу Куръон – одамлар) унинг оятларини тафаккур  
қилишлари ва ақл эгалари эслатма-ибрат олишлари учун Биз сизга нозил қилган  
муборак Китобдир» (*Сод сураси*, 29-оят).

5. Амал:

«Сўзга қулоқ тутиб, унинг энг гўзалига (яъни нажотга элтгувчи рост Сўзга)  
эрглашадиган зотларга хушхабар беринг!» (*Зумар сураси*, 18-оят).



443. Имом Жунайд шундай деган эканлар: «Шукр – банда Аллоҳ таолога исён  
қилишда Унинг неъматидан фойдаланмаслигидир».



تخيل لو ان الناس هذه كلها منتظرة تأخذ حقها  
منك يوم القيمة؟! بسبب "ظلم، غدر، سخرية، غيبة"  
واحد منهم يكفي باخذ كل حسنااتك!  
الله يعفو عننا ويرحمنا برحمته

4434. Бир ўйлаб кўринг! Барча одамлар Қиёмат куни зулм, хиёнат, масхара ва ғийбат қилганингиз сабабли сиздан ўз ҳақларини талаб қилиб, саф бўлиб туришса нима бўлади?

Уларнинг биттагинаси ҳам сиздаги савобларни тортиб олишга кифоя қиласди. Аллоҳ эса бизни афв қилиб, раҳматига олиши мумкин (Аммо инсон ўзи савобга муҳтоҷ бўлгани учун Қиёмат куни бошқаларни асло кечирмайди!)



4435. Робиъ ибн Анас роҳимаҳуллоҳ шундай деган эканлар: «Диндорлик Аллоҳга ихлос билан ўлчанади. Илм эса Аллоҳдан қўрқиши билан ўлчанади».



د أحمد عيسى المعصراوي

مؤلم جداً  
أن تشاهد أمراً عجوز أو رجل مسن!  
يقوم ببرهema سائق او خادمه  
والابناء في موقع التواصل يتكلمون عن  
المبادئ..!



4436. Кари онаси ёки кекса отасига хайдовчи ёки ходима ёллаб қўйиб, ўзлари ижтимоий тармоқда фазилатлар ҳақида бонг ураётган фарзандларнинг ахволи нақадар қайғули!



4437. Вафо – қимматбаҳо нарса, сен уни арzon санаб, пасткаш кимсалардан талаб қилма!

**أخرج أحمد في الزهد عن ثابت البناي قال**  
**إِنَّ أَهْلَ ذِكْرِ اللَّهِ لِيُجْلِسُونَ**  
**إِلَى ذِكْرِ اللَّهِ ، وَإِنَّ عَلَيْهِمْ**  
**مِنَ الْآثَامِ أَمْثَالَ الْجَبَالِ ،**  
**وَإِنَّهُمْ لِيَقْوِمُونَ مِنْ ذِكْرِ اللَّهِ تَعَالَى**  
**مَا عَلَيْهِمْ مِنْهَا شَيْءٌ**

4438. Имом Ахмад «Зухд» китобида Собит Бунонийдан ривоят қиласидар: «Аллоҳни зикр қилувчилар Аллоҳни зикр қилиш учун ўтираётганда бўйниларида тоғдек гуноҳлар бўлади. Лекин Аллоҳнинг зикрини тугатиб, ўринларидан туришётганда бўйинларида ҳеч қандай гуноҳ қолмайди».



4439. Эшикни тақиллатганингизда «Кимсиз?» дейишиша, «Мен» демасдан, исмингизни айтинг!

Жобир розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Отамнинг зиммасидаги қарз хусусида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, эшик қоқдим. У зот: «**Ким у?**» дедилар. «Мен», дедим. Шунда у зот буни ёқтиргандек, «Мен, мен...», дедилар».

*Имом Бухорий ривояти.*

## هذه الجوالات

من أخف ما تكون حملا على الناس في الدنيا  
**ومن أثقل ما تكون وزرا وحملها**  
**على بعض الناس في الآخرة**



4440. Ҳозирги уяли телефонлар жуда енгил. Улар бу дунёда одамларга енгил бўлиши мумкин. Лекин охиратда баъзилар улар воситасида гуноҳлар қилгани учун оғир юкка айланиши мумкин. Шундай экан, уларни дунё ва охиратда манфаат берадиган нарсаларга ишлатинг!

### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

المطلوب فهم معانٰي القرآن والعمل به، فإن لم تكن هذه همة حافظه لم يكن من أهل العلم والدين".

4441. Талаб қилинган нарса – Қуръонни маъносини тушуниб, унга амал қилишдир. Қуръонни ёд олаётганлар мана шу нарсага ҳиммат қилишмаса, унда уларни аҳли илм, аҳли дин деб бўлмайди.

# البنت التي تتوضأ خمس مرات في اليوم أعتقد أنها لا تحتاج إلى المكياج

ماجد نكي

4442. Ўйлашимча, бир кунда беш маҳал таҳорат олиб юрадиган қизнинг пардоз-андоз қилишга эҳтиёжи йўқ.

Мажид Закий.



4443. Диндаги мусибатдан бошқа ҳар қандай мусибат арзимас ва кичикдир. Шунинг учун Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи вассаллаҳ «Мусибатимизни динимизда қилмагин», деб дуо қиласидилар.



4444. Бир киши Хузайфа ибн Ямонга «Мунофик бўлиб қолишдан қўрқаман» деган эди, у зот: «Мунофик бўлганингда бундан қўрқмас эдинг (Кўрқяпсанми, демак мунофик эмассан)», дедилар.